

ИСКАНДАР РАҲМОН

# БАЁТЛАРИМ – ҚАНОТЛАРИМ

*Шеърлар, қўшиқлар, маршлар*



“YURIST-MEDIA MARKAZI” нашриёти  
ТОШКЕНТ-2007



---

Бугун эркин, барқарор ва фаровон ҳаёт қуришни истар эканмиз, бунинг энг муҳим, энг зарур гарови — юртимиз хавфсизлигини, чегарамизнинг дахлсизлигини, кўп миллатли Ўзбекистон фуқароларининг тотувлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдир. Атрофимизда бизга ҳавас билан қарайдиганлар билан бирга ҳасад кўзини тикиб турганлар ҳам йўқ эмас. Бундай вазият барчамизни доимо огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишга, ягона уйимиз, қўргонимиз, муқаддас оиламиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлашга даъват этади, фидойиликка чорлайди.

*Ислом Каримов,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти,  
Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони*

## **Баётлар — учқур қўш қанотлар**

Мамлакатимиз Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳбарлигида ҳарбий соҳада ҳам изчиллик билан босқичма-босқич ислохотлар ўтказилаётганининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Олий Мажлиснинг 2002 йилда бўлиб ўтган тўққизинчи ва ўнинчи сессияларида фуқароларнинг муддатли ва муқобил ҳарбий хизматга чақирилиши ва уни ўташ тартиби борасидаги айрим салбий ҳолатлар жуда ўринли танқид қилинган. Ушбу ҳолатларни бартараф этиш учун 1992 йилда қабул қилинган “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги ҳамда “Муқобил хизмат тўғрисида”ги Қонунларни қайтадан кўриб чиқиш зарурати туғилди. Энг муҳими, бу ўта нозик ва мураккаб ҳужжатлар қисқа фурсат ичида етук мутахассислар томонидан ҳар томонлама пишиқ-пухта ишлаб чиқилиб, депутатлар муҳокамасига ҳавола этилди ва қабул қилинди. Бу сиёсий-ижтимоий воқеанинг аҳамияти, маъно-мазмуни ҳақида кўп ва хўб гапириш мумкин. Зеро, у ҳозирги замон талабига мос энг зарур ва долзарб муаммоларнинг ечимини топишдаги

муҳим қадамдир. Чунки, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор, ҳаракатчан, жанговар, қобилиятли, касбий маҳорати юксак, ҳар жиҳатдан яхши таъминланган Куролли Кучларни шакллантириш — давр талаби, ҳаёт тақозосидир.

Армияни ислоҳ қилишнинг асл моҳияти жангчиларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқатни, юксак маънавий фазилатлар ва мустаҳкам иродани тарбиялаш, касбий маҳоратни ошириш, аъло даражадаги жанговар тайёргарликни таъминлашга қаратилаётгани бежиз эмас.

Бу борада Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий Кенгашининг ташаббуси билан мамлакатимизда ташкил этилаётган оммавий ойликлар дастури асосида ўтказилаётган тадбирлар, айниқса, ибратлидир. Бу тадбирлар жойлардаги кенг жамоатчиликнинг ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар ҳаёти ва жанговар фаолияти билан яқиндан танишиши, халқ билан армиянинг бирлиги, орзу ва мақсадларнинг муштараклиги ифодасидир, албатта.

Ҳарбий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда, ёшлар маънавияти, маърифати ва маданиятини оширишда ҳарбий кўшиқларнинг маъно-мазмун, мундарижаси, таъсирчанлигини янада кўтариш ғоят муҳимдир.

Маълумки, Республикамиз мустақиллиги шарофати билан ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги, сафда жўровозлик билан айтиладиган мардонавор, тантанали, жанговар куй-қўшиқлар, маршлар ва ижроларга катта аҳамият берилмоқда. Ҳар йили мамлакатимизда кенг миқёсда ўтказилаётган “Ўзбекистон — Ватаним маним” ва “Аскар кўшиқлари” кўриктанловларида янги-янги истеъдодлар кашф этилмоқда, куй-қўшиқлар яратилмоқда. Республика Мудофаа вазирлиги, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан ижодий ҳамкорликда “Ватанимга хизмат қиламан”, “Аскар кўшиқлари” номли ёрдамчи қўлланмалар, айрим кўшиқнавис шоирларнинг асарлари чоп этилди. Табиийки, бу асарлар кенг омма, айниқса, ҳарбийлар ўртасида эътибор қозонди, уларнинг маънавий мулкига айланди. Бу борада Мудофаа вазирлигининг ҳарбий студияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ёшлар” телерадиоканали, “Умид” ижодий жамоаси билан ҳамкорликда тайёрланган “Ватанпарвар” кўрсатуви ва ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги эшиттиришларнинг

аҳамияти катталигини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур теле ва радиодастурларда мардонавор, жанговар куй-қўшиқлар, маршлар янграмоқда, уларни халқ яхши кутиб олмақда. Бироқ, афсуски, ҳақиқий ўзбекона куй-қўшиқлар ва уларни яратаётган ижодкорлар бармоқ билан санарли. Бу соҳада фаоллик кўрсатаётган ижодкорлар сирасига таниқли шоирлардан Назармат, Жуманиёз Жабборов, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо, Маҳмуд Тоир, Хуршид Даврон ва бошқаларни киритиш мумкин. Назаримда, бу борада истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги, ҳарбий шифокор ва ижодкор Искандар Раҳмон ҳам самарали меҳнат қилмоқда.

Искандар Раҳмон қаламига мансуб эллиқдан зиёд шеърлар қўшиққа айланиб, кўплаб ижодий-бадиий жамоалар, таниқли хонандалар томонидан республика аҳамиятига молик нуфузли байрам тантаналари, концертлар, телерадио дастурларида тез-тез ижро этилмоқда. Бу қўшиқларнинг аксарияти “Ўзбекистон – Ватаним маним” ҳамда “Аскар қўшиқлари” кўрик-танловларида совринли ўринларга сазовор бўлган.

Дарҳақиқат, шоир ёзганидек, баётлар – учкур кўш қанотлардир. Зеро, ота-боболаримиз: «Кўшиқ айтган стар муродга, тўлар кучга, қувватга!» деб бежиз айтишмаган. Шу маънода Искандар Раҳмоннинг мазкур тўплами Ватанимиз побонларига доимий ҳамроҳ, ҳамкор ва мададкор бўлади, деган умиддамиз.

*Анвар Обиджон,  
Ўзбекистон халқ шоири*

## ҲАРБИЙЛАР ҚЎШИҒИ



### ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАЙРОҒИ

Ватанимиз тимсолидирсан,  
Энг муқаддас аъмолидирсан,  
Олий рамзи, жамолидирсан,  
Ўзбекистон миллий байроғи!

Олам узра ҳилпираб мағрур,  
Ён-атрофга сочиб шуъла, нур,  
Юракларда уйғотдинг ғурур,  
Ўзбекистон миллий байроғи!

Аждодларнинг руҳин шод этдинг,  
Орзуларин барҳаёт этдинг,  
Ёвлар ўйин пуч, барбод этдинг,  
Ўзбекистон миллий байроғи!

Рангингда эл бахтин этиб жам,  
Ўй-фикрини қилиб мужассам,  
Товланасан товусдек кўркам,  
Ўзбекистон миллий байроғи!

Сени ўпиб ичамиз қасам,  
Шон-шарафинг мардона, маҳкам —  
Ёт кўзлардан асраймиз ҳар дам,  
Ўзбекистон миллий байроғи!

Тинчликсевар эллар қатори,  
Жаҳон узра яна юқори  
Ҳилпирайвер, элим виқори —  
Ўзбекистон миллий байроғи!

---

## ЎЗБЕКИСТОН ҚОМУСИ

Ҳар юракда мавж урар  
Она-Ватан туйғуси!  
Шундан ошар Инсоннинг  
Элу юртда обрўси.

Дилда қат-қат орзулар  
Мисли қуёш ёғдуси,  
Таралар жисмаро,  
Кўз-кўз қилар инжусин!

Одамнинг ким, нелигин  
Кўрсатар дил кўзгуси.  
Қилар сарак ва сарак  
Давр тош-тарозуси.

Тарозу палласида  
Ҳар кимнинг бор баҳоси.  
У шоҳми, фуқароми,  
Ёки фақир гадоси!

Ҳаётимиз мезони —  
Давлатимиз Қомуси!  
Бунда энг олий ҳакам,  
Ҳар кимнинг ор-номуси!

Бурчига садоқати,  
Ваъдасига вафоси!  
Она-Ватан, халқига,  
Дил қўшиғи, нидоси!

Ўзбекистон Қомуси —  
Шаҳодатлар аълоси!  
Унда топмиш ҳуқуқин  
Юртнинг ҳар фуқароси!

Бор бўлсин, тенг барчага  
Ўзбекистон Қомуси!  
Ёр бўлсин дилимизга  
Она-Ватан туйғуси!





---

## ЎЗБЕКИСТОН КЕМАСИ

*(Марш)*

Уммонида жаҳоннинг  
Сузар юртим кемаси!  
Бузар, сузар ғовларни  
Ғанимлар не демасин!

Салкам ўттиз миллион  
Эл юки бор устида!  
Чекинар минг хавф-хатар  
Уммон усти, остида!

### Нақорат:

Авлодларнинг армони,  
Адолатдир лангари!  
Бандаргоҳи — саждагоҳ,  
Она-юрт сарҳадлари!

Кемани Эл Дарғаси  
Мардонавор бошқарар!  
Кема қайтмас ортига  
Не демасин бошқалар!

Бу кемага тушганлар  
Бирдир жони, жаҳони!  
Бирлаштирар барчани  
Соф нияти, иймони!

Истиклолнинг меваси,  
Ўзбекистон кемаси,  
Олға сузсин уммонда,  
Омон бўлсин жаҳонда!

---

## ЎЗБЕКИСТОН ҚУЁШИ

*(Марш)*

Олам узра порлайди  
Ўзбекистон қуёши!  
Эзгуликка чорлайди  
Ўзбекистон қуёши!

Нақорат:

Порла, порла, эй Қуёш,  
Яхшиликка ўзинг бош!  
Машғала бўл қўлларда,  
Узоқ-яқин йўлларда!

Бағри тошлар бағрини  
Кул-кул қилиб эритгин!  
Оламда меҳрсизлик  
Уруғини қуритгин!

Ўзбекистон қуёши  
Меҳри, сеҳри бошқача!  
Ёритиб дил, оламни  
Эритади тошгача!

Нақорат.

---

---

## АССАЛОМ АРМИЯМ, УЛУҒ ОСТОНАМ!

*(Марш)*

Ассалом Армиям, улуғ остонам,  
Онадай мўътабар, қутлуғ остонам!  
Бағрингда тўламиз кучга, қувватга,  
Бўламиз измингда мардона ҳар дам!

Армиям, қир, адир, тоғлар маконинг,  
Дарёлар, чўл, сахро — жону жаҳонинг!  
Осмонинг, сарҳадинг эрур дахлсиз,  
Токи бор сафларда жасур посбонинг!

Нақорат:

Сен мардлик мактаби — сабоғидирсан,  
Тинчлик ва Адолат байроғидирсан!  
Марказий Осиё, Ўзбекистонда  
Озодлик машъали, маёғидирсан!

Армиям, қудратли, шон-шавкатли бўл,  
Жанговар, шиддатли, шижоатли бул!  
Турамиз сафингда елкама-елка,  
Ёв ўйин бузишга бериб қўлга қўл!

Нақорат.

---

---

## ЎЗБЕКИСТОН ПОСБОНЛАРИ

(*Марш*)

Сизга салом, энг олий калом,  
Ўзбекистон мард посбонлари!  
Сизга таъзим, Сизга эҳтиром,  
Эй баҳодир, паҳлавонлари!

Орзуингиз – Ватан тинчлиги,  
Шарафлидир касбу корингиз.  
Сафларингиз ихчам, зичлиги  
Кудратингиз, куч-мадорингиз.

На қ о р а т :

Ўз измида ҳушёр ҳамиша,  
Эзгу ишга сафарбар шерлар!  
Еру осмон, тоғ-довон оша  
Марду майдон, музаффар эрлар!

Боболарнинг руҳи мададкор,  
Машъал бўлсин йўлларингизда!  
Эл байроғи ғолиб, сервиқор  
Ҳилпирасин қўлларингизда!

Ўзбекистон, гуллаган диёр  
Осмони ой, беғубор бўлсин!  
Жарангласин тарона, алёр,  
Посбонлари доим бор бўлсин!

На қ о р а т .

---

## МАРД ҶҒЛОНЛАР ТУҒИЛГАН КУН БУ

Йил бошида қутлуғ бир кун бор,  
Зиёларга тўлуғ бир кун бор,  
Фазилати улуғ бир кун бор,  
Мард ҷғлонлар туғилган кун бу!

Авлодлари наслидан рози,  
Бургутдай тик, баланд парвози,  
Қўлида эрк, саодат сози,  
Мард ҷғлонлар туғилган кун бу!

### Нақорат:

Паҳлавонлар туғилган кун бу!  
Зўр полвонлар туғилган кун бу!  
Қаҳрамонлар туғилган кун бу!  
Мард посбонлар туғилган кун бу!

Ўзбекистон тугини тутган,  
Унга жонин бахшида этган,  
Олам узра доврўғи кетган,  
Мард ҷғлонлар туғилган кун бу!

Кеча-кундуз самода кўзи,  
Дилда элга берган чин сўзи,  
Осмонимиз ёруғ юлдузи,  
Мард ҷғлонлар туғилган кун бу!

### Нақорат.

---

## МИНГ ОФАРИН, ТАСАННО!

Минг офарин, тасанно,  
Бу қадди бўйингизга!  
Заковатда бебаҳо,  
Нияту ўйингизга!  
Келдик олиб туёна  
Бу қутлуғ тўйингизга,  
Жўр бўлай деб мардона  
Тарона, куйингизга!

Темурона фасоҳат  
Чулғамиш ўйингизни.  
Ҳарбийларча салобат  
Бўйламиш бўйингизни.  
Ўзбекона фазилат  
Ясатмиш тўйингизни.  
Дўстона лутф, назокат  
Янгатмиш куйингизни!

### Нақорат:

Тўйингиздан ўргулай,  
Эй, элим посбонлари!  
Бўйингиздан ўргулай,  
Кўкси тоғ қалқонлари!  
Ўйингиздан ўргулай,  
Эй, қомати шамшодим,  
Куйингиздан ўргулай,  
Меҳри дарё аждодим!

Истардикки, тўйингиз  
Эл-юртга бахт келтирсин!  
Яхши ният – ўйингиз  
Шону шуҳрат келтирсин!  
Элларо тотувлик,  
Тинчликдан тахт келтирсин!  
Шўх тарона, куйингиз  
Дилга фараҳ келтирсин!

Нақорат.



---

## ЕТТИ БАҲОДИР МАРШИ

Осмони очиқ, тиниқ, мусаффо,  
Эли ҳур, озод, тан олган дунё,  
Серқуёш ўлка, оламда танҳо,  
Ҳур Ўзбекистон посбонларимиз,  
Аҳдига содиқ ўғлонларимиз!

### Нақорат:

Эй, она диёр, тўйинг муборак,  
Қадди-қоматинг, бўйинг муборак!  
Етти баҳодир, етти ўғлонмиз,  
Юртимиз учун пўлат қалқонмиз!  
Етти юлдузмиз, кўкси осмонмиз,  
Қаторда доим бир тану жонмиз!

Етти бор ўлчаб, бир бора кесган,  
Қутлуғ ёшида алпона ўсган,  
Осиёда энг барқарор маскан,  
Ҳур Ўзбекистон посбонларимиз,  
Аҳдига содиқ ўғлонларимиз!

### Нақорат:

Бош Кўмондони бирла тез, илдам,  
Ёрқин истиқбол сари пешқадам,  
Мардона, дадил ташлаган қадам,  
Ҳур Ўзбекистон посбонларимиз,  
Аҳдига содиқ ўғлонларимиз!

### Нақорат.



---

## ЎЗБЕКИСТОН АСКАРЛАРИМИЗ!

Ташлаб дадил, мардона қадам,  
Биз майдондан ўтамиз шаҳдам.  
Еру осмон келар ларзага,  
Қушиқ бизга жўровоз, ҳамдам.

### Нақорат:

Амир Темур авлодларимиз,  
Озод юртнинг Фарҳодларимиз!  
Ўзбекистон аскарларимиз,  
Ёш, навқирон лашкарларимиз!

Қўлимизга туганмиз қурол,  
Бурчимизни ўтаймиз ҳалол!  
Кўкрагимиз қалқон ҳамиша,  
Диёримиз кўрмагай завол!

### Нақорат:

Ватан — иймон, Ватан — жонимиз,  
Сарҳадлари мард посбонимиз!  
Эл яшасин тинч ва осуда,  
Мусаффордир юрт, осмонимиз!

### Нақорат.

---

---



## ҲАРБИЙЛАР ҚЎШИҒИ

Элим деб, юртим деб яшар ҳарбийлар,  
Гайрати Амудай жўшар ҳарбийлар!  
Она-юрт – Туронда тинчлик йўлида  
Инсоний бурчини ўтар ҳарбийлар!

### Нақорат:

Эй, дунё назари тушган ҳур ўлка!  
Сен билан биз доим елкама-елка!  
Йўлбошчинг ёнида камарбастамиз,  
Метиндай мустаҳкам пўлат сафдамиз!  
Аҳдимиз оқлашга бурчли, ҳақлимиз,  
Осуда, тинч яша, эй, юрт, халқимиз!

Осмони фалакда, ерда ва сувда,  
Сарҳадда, измида ҳушёр ҳарбийлар!  
Ёмон кўз, ёвлардан элни асрашга  
Кечаю кундузи тайёр ҳарбийлар!

### Нақорат.

Элим деб, юртим деб яшар ҳарбийлар,  
Қудрати кундан-кун ошар ҳарбийлар!  
Адолат, Ҳалоллик, Тинчлик шиори,  
Инсоний бурчини ўтар ҳарбийлар!

---

## ТУРКИСТОН ФАРЗАНДИМИЗ!

Туркистондир — она уйимиз,  
Бирликдадир фикр-уйимиз.  
Жаранглайди кўшиқ, куйимиз,  
Фарзандимиз Туркистоннинг!

Юракларда Ватан туйғуси,  
Диёримиз порлоқ келгуси.  
Она-юртга тиргак бўлғуси,  
Фарзандимиз Туркистоннинг!

### Нақорат:

Фарзандимиз Туркистоннинг!  
Дилбандимиз Туркистоннинг!  
Пайвандимиз Туркистоннинг!  
Бол-қандимиз Туркистоннинг!

Қозоқ, қирғиз, тожик, туркман,  
Турк, озар, ўзбек қадимдан,  
Бўлган қардош, битта жону тан,  
Фарзандимиз Туркистоннинг!

Еру кўкда, сарҳадда хушёр,  
Метин сафда хизматга тайёр,  
Ёвларини қилгувчи тор-мор,  
Фарзандимиз Туркистоннинг!


### Нақорат.

Бирликдадир адолат, дўстлар,  
Бирликдадир ҳаловат, дўстлар,

Бирликдадир саодат, дўстлар,  
Фарзандимиз Туркистоннинг!

Мақсадимиз — эл осойиши,  
Матлабимиз — эл кушойиши,  
Тинчлик, зафар — дил намойиши,  
Фарзандимиз Туркистоннинг!

Нақорат.



---

## УЧУВЧИЛАР ҚЎШИҒИ

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
артист Марат Ҳақимовга*

Булутларнинг бағрини тилган,  
Фазо сирин, тилини билган,  
Ўз элига қасамёд қилган  
Ўзбекистон лочинларимиз!

### Нақорат:

Зоғлар босмас бўстонимизни,  
Булут тўсмас осмонимизни!  
Посбонимиз осмонимизнинг,  
Она замин, ошёнимизнинг!  
Ўзбекистон лочинларимиз!  
Кўкси қалқон лочинларимиз!

Бир зумда биз само қучғувчи,  
Яшиндай тез, аниқ учғувчи,  
Ёвлар ўйин яқсон қилғувчи  
Ўзбекистон лочинларимиз!

### Нақорат.

Парвозимиз сенгадир, Ватан!  
Дил розимиз сенгадир, Ватан!  
Ёвга қирон солур дафъатан  
Ўзбекистон лочинларимиз!

### Нақорат.

---

## ЎЗБЕКИСТОН ОФИЦЕРЛАРИ

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
артист Юлдуз Абдуллаевага*

Буюк зотлар элдошларисиз,  
Собир Раҳим издошларисиз,  
Мард йигитлар сафдошларисиз,  
Ўзбекистон офицерлари!

Ватанимиз умид кўзисиз,  
Кўкидаги чўнг юлдузисиз,  
Соф виждони, ёруғ юзисиз,  
Ўзбекистон офицерлари!

### Нақорат:

Сизга олқиш, Сизга шараф-шон,  
Кўкси тўла жанговар нишон,  
Юрт посбони, жасур қўмондон,  
Ўзбекистон офицерлари!  
Озод бўстон офицерлари!

Улуғ мактаб жасоратингиз,  
Ҳарбий санъат, маҳоратингиз,  
Ҳарбийларча салобатингиз,  
Ўзбекистон офицерлари!

Аскар борки, дилида гулу,  
Ором бермас ажиб ҳис-туйғу,  
Сиздек бўлсам деб қилар орзу,  
Ўзбекистон офицерлари!

### Нақорат.

---



## **БАЙРАМИНГИЗ БЎЛСИН МУБОРАК!**

Ўзбекистон мард ўғлонлари,  
Баҳодирлар, паҳлавонлари,  
Тинчлигимиз чин посбонлари,  
Байрамингиз бўлсин муборак!

Қайда бўлманг, ерми, осмонда,  
Тоғми, дала, чўл, биёбонда,  
Бу муқаддас она маконда,  
Байрамингиз бўлсин муборак!

Ватан ишқи кўнглингиздадир,  
Юрт тақдири кўлингиздадир,  
Нигоҳимиз йўлингиздадир,  
Байрамингиз бўлсин муборак!

Сизга таҳсин, ботир йигитлар!  
Оловюрак, нодир йигитлар!  
Кўкси қалқон, чайир йигитлар,  
Байрамингиз бўлсин муборак!

## ВАТАН – МЕҲР ҚҶРҒОНИ



### ВАТАН ИЧРА ВАТАН МАҲАЛЛАМ!

Оламаро бебаҳо гулшан,  
Ҳар қадами зар, тилло маскан,  
Туғилган жой, улғайиб ўсган,  
Ёмонликнинг йўлини тўсган,  
Ватан ичра Ватан маҳаллам,  
Ота-онам, жон-тан маҳаллам!

Ҳаёт дарси чойхоналаринг,  
Кўча, масжид, кошоналаринг,  
Нурга тўлган тўйхоналаринг,  
Бахти кулган пешоналаринг,  
Ватан ичра Ватан маҳаллам,  
Ота-онам, жон-тан маҳаллам!

Таянчингдир оқил, донолар,  
Юпанчингдир ота-оналар,  
Кувончингдир мард-мардоналар,  
Ишончингдир ёш дурдоналар,  
Ватан ичра Ватан маҳаллам,  
Ота-онам, жон-тан маҳаллам!

Яшар тотув, чин ҳамкор бўлиб,  
Ишчи, деҳқон, тадбиркор бўлиб,  
Бир-бирига мададкор бўлиб,  
Искандарга дўсту ёр бўлиб,  
Ватан ичра Ватан маҳаллам,  
Ота-онам, жон-тан маҳаллам!



## МУҚАДДАС ТУЙҒУ

(*Марш*)

Мусаффо туйғуларни  
Асраш қарзу фарзимиз.  
Гар бой берсак уларни  
Бекор лабзу ваъзимиз!

Туйғуларнинг аълоси —  
Асраш Она-Ватанни!  
Оламда йўқ баҳоси:  
Иймон, забон, жон-танни!

### Нақорат:

“Асранганни асрайди  
Оллоҳ”, — демиш кексалар.  
Кимки хушёр измида  
Илгарилар, юксалар!

Посбон айлаб киприкни  
Кўзимизни асрайлик!  
Қалқон айлаб кўкракни  
Ўзимизни асрайлик!

Огоҳ бўлиб, дурдона  
Тилимизни асрайлик!  
Озод, обод, юрт — Она  
Элимизни асрайлик!

### Нақорат.

---



## ОНА-ЮРТ ТАРОНАСИ

Оламда бир юрт бор, ягона танҳо,  
Юракка бир умр яқин, ошино.  
Қадрдон гўшаси бебаҳо, тилло,  
Жонажон тупроғи кўзга тўтиё.

Нақорат:

Бу – озод Ватандир, жаннат макондир,  
Бу – обод Ватандир, Ўзбекистондир!..  
Фарзандинг эканмиз, Ватан – Онажон,  
Кўксимиз сен учун пўлат қалқондир!

Меҳр ва муҳаббат маскани Ватан,  
Унгадир баҳшида, фидо жон ва тан!  
Ватанни асрайди асл ўғлонлар,  
Умрини безайди олий нишонлар.

Нақорат.

---



---

## ЎЗБЕКИСТОН – БАРЧАМИЗНИКИ

### Биринчи қушиқ

Эй, муқаддас Ватан туйғусин,  
Дилига жо айлаган элдош!  
Ҳаётини Ватан келгуси –  
Бирла маҳкам бойлаган элдош!

Мадинадай она-элини,  
Жонин фидо айлаган элдош!  
Мукаррам деб Она тилини,  
Ўт-оловда тоблаган элдош!

Ўзбекистон – барчамизники!  
Жаннатмакон – Сизни, бизники!  
Марди майдон ўғил-қизники!  
Аҳли иймон, ёруғ юзники!

Истиқлолга шукрона айла,  
Қўнди Ҳумо қуши бошингга!  
Юртимизни тан олиб олам,  
Таъзим ила келар қошингга!


Ўзбекистон – барчамизники!  
Жаннатмакон – Сизни, бизники!  
Марди майдон ўғил-қизники!  
Аҳли иймон, ёруғ юзники!

## Иккинчи қушиқ

Авлодлар, ажлодлар муқаддас эли,  
Азалий орзуси, ҳамнафас эли,  
Тили бир, дили бир, чамбарчас эли,  
Табаррук юртимиз жон Ўзбекистон,  
Сенга жон-танзимиз фидо ҳар қачон!

Марказий Осиё давлатларимиз,  
Биз туркий элларнинг элатларимиз!  
Тарихий бирликдир – Истиқлолимиз!  
Дўстлик ва ҳамкорлик – Истиқболимиз!  
Яшна ва гуркира тинчлик қўрғони,  
Озодлик, ободлик, дўстлик макони,  
Измингда шай турур қизу ўғлонинг!

Табаррук юртимиз жон Ўзбекистон,  
Сенга жон-танзимиз фидо ҳар қачон!  
Марказий Осиё давлатларимиз,  
Биз туркий элларнинг элатларимиз!  
Тарихий бирликдир – Истиқлолимиз!  
Дўстлик ва ҳамкорлик – Истиқболимиз!



---

## ЎЗБЕКИСТОН ТИЛЛОСИ

(Қасида)

Ўзбекистон оламда юртларнинг энг аълоси,  
Осмони кенг, мусаффо, жонфизо сув, ҳавоси,  
Дилни ўртар, ёндирар шарқона куй, навоси,  
Тилда Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Бухороси,  
Узоқ-яқин дўстларин жўшиб меҳру ихлоси,  
Ортар унинг кун сайин ошуфтаю шайдоси!

Заргар билур зар қадрин, гавҳару инжу қадрин,  
Ким билур биз қадарлиғ шарқираган сув қадрин,  
Осойишта ҳаёту тинчгина уйқу қадрин,  
Севги, вафо, муҳаббат — эзгу ҳис-туйғу қадрин?  
Бандаи гофил билмас озодлик, ёғду қадрин,  
Қилур ани адои тамом кибру ҳавоси!

Навоийда Зарафшон зар, кумушга макондир,  
Мурунгов, Учқудуғи машҳурликда жаҳондир,  
Зафаробод, Нуробод номи элда дostonдир,  
Бу ерда офтоб — тандир, меҳнат аҳли бир жондир,  
Бир қултум суви азиз, қум, тупроғи Ватандир,  
Қамаштирар кўзларни тиллосининг жилоси!

Ўзбекистон зийнати недур ўзи? Тилломи?  
Гуллаган шаҳар, қишлоқ, кўзгудаги жиломи?  
Равон йўл, боғлардаги олма, анор, ҳурмоми?  
Одамлар кўзидаги меҳру вафо, ҳаёми?  
Сабр-тоқат, матонат, соф ният, бисмилломи?  
Борми бунинг айтилган энг холис бир баҳоси?

Асли эл-юрт бойлиги – элсевар одамлари,  
Аждодларга муносиб эрксевар одамлари,  
Ўз аҳдига вафодор, қўли зар одамлари,  
Эзгуликка ҳамиша сафарбар одамлари,  
Курашларда чиниққан музаффар одамлари,  
Бу бойликни асрагай кўздай шоҳу гадоси!

Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга,  
Ёқмас ҳатто тўғри сўз бир қоринга сиққанга,  
Унутма, бевафодир мол-дунё, тилло, танга,  
Қолур меҳр-муҳаббат, садоқатинг Ватанга,  
Яша эл ўйи билан, зот кўндирма гулшанга,  
Дермишларки шундай зот доноларнинг доноси!

Ўзбекистон оламда юртларнинг энг аълоси,  
Ортар унинг кун сайин ошуфтаю шайдоси!  
Ярқирагай жаҳонда Ўзбекистон туғроси,  
Қамаштирар кўзларни тиллосининг жилоси!



---



## ИЗҲОР

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
артист Авазбек Маллабоевга*

Дил изҳорим сенга она-Ватаним,  
Ёлғизим, яғонам, эй, саждагоҳим!  
Қалбимда сен учун бор не инжулар,  
Билсайдинг дурдонам, эй, саждагоҳим!

Шафтоли гулидек пушти либосинг,  
Ўзингдек бокира, ўзингдек ҳарир!  
Атиргул гунчаси янглиғ нафиссан,  
Бўй-бастинг кўрганда қиламан ҳузур!

Ороминг сақлайман, сарҳадларингда,  
Ҳамиша бедорман, огоҳ, ҳушёрман!  
Сорбонинг қатори камарбастангман,  
Измингга тайёрман, аҳдимда борман!

Истиқлол йўлида қўлла-қувватла  
Юртимни, Яратган, қодир Оллоҳим!  
Гуллагай, яшнагай, Ўзбекистоним,  
Бу жаннатмаконим, бу саждагоҳим!

---

## ВАТАН – МЕҲР ҚҮРҒОНИ

Эр кишининг кўнглида  
Эгарланган от бўлар.  
Она-Ватан туйғуси  
Дилига жо, ёд бўлар.

Ватан – меҳр қўрғони,  
Иймон унинг қалқони.  
Эр йигитлар Ватаннинг  
Марди майдон посбони.

### Нақорат:

Она-Ватан кўркидир,  
Ифтихори йигитлар!  
Эл бошига иш тушса,  
Халоскори йигитлар!

Омон бўлсин ҳамиша  
Жасур ўғлон, йигитлар!  
Қадамидан ўт чақнар,  
Кўкси қалқон йигитлар!

Ёниб яшаш ёлқини  
Куйдирсин хас-ёвларни!  
Ёниб яшаш тўлқини  
Бузсин тўсиқ, говларни!

Ватан – меҳр қўрғони,  
Иймон унинг қалқони,  
Эр йигитлар Ватаннинг  
Марди майдон посбони.



---

## ОНА ҚИШЛОҒИМ


Оҳангароннинг оҳанглари бор,  
Ёқимли, майин жаранглари бор,  
Мармардай тиниқ оқ тонглари бор,  
Камалак мисол зар ранглари бор.  
Энг дилрабо жой Облиғим менинг,  
Оҳанрабо жой Облиғим менинг!

Атрофи битмас маъданга кондир,  
Одамлари шўх, ширин забондир,  
Олижаноб дўст, суҳбатижондир,  
Она меҳридай бағри уммондир,  
Энг дилрабо жой Облиғим менинг,  
Оҳанрабо жой Облиғим менинг!

Бири шифокор, бири муаллим,  
Бири санъаткор, миришкор, олим,  
Меҳр, сеҳрга қалби лиммо-лим,  
Турган-битгани зиё, нур, билим,  
Энг дилрабо жой Облиғим менинг,  
Оҳанрабо жой Облиғим менинг!

Тупроғи олтин, тоши гавҳар, дур,  
Бағрида минг-минг булоқ мавжланур,  
Сувлари шаффоф, зилола, биллур,  
Ҳаволари соф, танга жон, ҳузур,  
Энг дилрабо жой Облиғим менинг,  
Оҳанрабо жой Облиғим менинг!

Она қишлоғим, ёшлик маконим,  
Гуллаган боғим, нурли бўстоним,  
Суянган тоғим, эзгу дostonим,  
Эртаси порлоқ чароғистоним.  
Энг дилрабо жой Облиғим менинг,  
Сенга фидо жон, борлиғим менинг!



---

## АССАЛОМ, ТОШКЕНТИМ!

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
артист Гулбахор Эрқуловага*

Ассалом, Тошкентим, эй Она-шаҳрим,  
Тарихда, курашда мардона шаҳрим,  
Гуллаган, яшнаган — замона шаҳрим,  
Онадай пурзиё ошёним менинг,  
Кўксида меҳнатдан нишоним менинг!


Кутлайман улуғ кун — тўйларинг билан,  
Оламга таралган бўйларинг билан,  
Шавкатинг, шуҳратинг, ўйларинг билан,  
Онадай пурзиё ошёним менинг,  
Кўксида меҳнатдан нишоним менинг!

Бунчалар иссиқдир кучоғинг сенинг,  
Ватаним, масканим, гулбоғим менинг,  
Беҳисоб қардошу ўртоғинг сенинг  
Онадай пурзиё ошёним менинг,  
Кўксида меҳнатдан нишоним менинг!

Сен дўстлик шаҳрисан, қутлуғ маконсан,  
Тинчликка таянчсан, метин қўрғонсан,  
Туркийлар диёри, нурли жаҳонсан,  
Онадай пурзиё ошёним менинг,  
Кўксида меҳнатдан нишоним менинг!

Камол топ, Тошкентим, шаҳри навқирон,  
Йўлингга тўшалсин лола, гул, райҳон,  
Гуркираб яшнайвер тургунча жаҳон,  
Онадай пурзиё ошёним менинг,  
Кўксида меҳнатдан нишоним менинг!

Искандар созлади рубоб, торини,  
Мадҳ этар суюкли гул диёрини,  
Тўқар оқ қоғозга дилда борини,  
Ассалом, Тошкентим, бўстоним менинг,  
Тилимда, дилимда дostonим менинг,  
Беғубор, мусаффо осмоним менинг!



---

## ОНА ШАҲРИМ

Эй, кўхна диёрим, она-Тошкентим,  
Ўтмишда номи Чоч, гоҳи Шош кентим!  
Бинкенту Банокат, кўзи ёш кентим,  
Эгилган, синмаган, боши тош кентим!

Қонхўр Боту, Чингиз босган элини,  
Қутайба совурган кўкка кулини,  
Қизиллар доғлаган кўкси, дилини,  
Тирилган қайтадан, берган дош кентим!

Буюк Ипак йўли, карвонлар ўтган,  
Темурдай, Бобурдай хоқонлар ўтган,  
Навоий ва Жомий қадами етган,  
Эзгулик ишларга бошу қош кентим!

Иймони мустаҳкам, сабр-бардошли,  
Кун-туни юлдузли, ойли, қуёшли,  
Қаторда нори кўп, дўстли, қардошли,  
Бағри кенг, юраги ўт, оташ кентим!

Қадимий Шарқимиз кент дарвозаси,  
Тинчлик ва дўстликнинг соз андозаси,  
Оламга таралган шан, овозаси,  
Истиқлол руҳи-ла обод, ёш кентим!

Самарқанд, Бухоро, Хива, Хоразм  
Шаҳридай жаҳонда машҳури азим,  
Ҳар битта даҳаси минг наср, назм,  
Бағрида яшар ҳур кекса, ёш кентим!

Юраги тўрида Навоий, Темур,  
Дилида адолат, жасорат, сурур,  
Атрофга сочиб нур, мардона турур  
Пойтахтим ва бахтим, тўнғич, Бош кентим!

Кўркингдан, бўркингдан ўргилай ўзим,  
Сочлари попугим, юзи қирмизим,  
Ўн саккиз минг олам ичра ёлғизим,  
Давлатим, савлатим, она-Тошкентим!

Қалбимда жўш уриб илоҳий қудрат,  
Таърифнинг куйлашга айладим журъат,  
Самандар диёрим, гўзал Тошкентим,  
Искандар дилида ғазал Тошкентим!

Истиқлол руҳи-ла обод, ёш кентим,  
Эзгулик ишларга бошу қош кентим,  
Гуркираб яшнагин, доvon ош, кентим,  
Истиқбол сари юр дадил, шош кентим!



---

## ЎХШАЙДИ

Ўзбекистон диёрим гулхонага ўхшайди,  
Тароналар ярашган тўйхонага ўхшайди.  
Узоқ-яқин қариндош, дўстлар тўлган хонада  
Меҳмонларнинг ҳурмати шоҳонага ўхшайди.

Осмонўпар бинолар, Оқсарою Кўксарой,  
Кўк тоқига чирмашган кошонага ўхшайди.  
Катта, равон йўллари, дарёлари, кўллари,  
Буюк Ипак йўллари яғонага ўхшайди.

Гўзалликда Тошкентим Нукус, Термиз, Хоразм,  
Самарқанду Бухоро, Фарғонага ўхшайди.  
Гулистондир Андижон, Намангану Жиззахлар,  
Қашқадарё, Навоий дурдонага ўхшайди.

Асра Инсон элингни, равон айла йўлингни,  
Зероки, хавф-хатар кўп замонага ўхшайди!  
Ҳофизларинг мадҳингни чин юракдан куйласа,  
Искандаринг ишқингда мастонага ўхшайди!

---

---

## ЭЙ, ҚУЁШ ЎЛКАСИ

Эй, қуёш ўлкаси, зебоқад шаҳар,  
Таърифи оламда беадад шаҳар,  
Кўҳна Шарқ машъали, абадий яшар,  
Эзгулик қасрига дарвоза Тошкент!

“Авесто”, “Шоҳнома”... номини битган,  
Табаррук не зотлар қадами етган,  
Таланган, неча бор қўлма-қўл ўтган,  
Аммо, ҳеч ўлмаган, берган дош, Шошкент!

Истиқлол қуёши сочди нур, ёғду,  
Кўнди бошга Ҳумо қуши, чекинди қайғу,  
Дилларни чулғади ажиб ҳис-туйғу,  
Қайтадан тикланди навқирон, ёш кент!

Сен тинчлик элчиси, пўлат кўрғони,  
Дўстлик ва жасорат рамзи, майдони,  
Маърифат, санъат, фан қасри, бўстони,  
Садоқат, мардликка андоза, Бош кент!

Сочавер пойтахтим сахий нурунингни,  
Куйлайди Искандар бахт сурурунингни,  
Меҳрунингни, сеҳрунингни, “Тошкент руҳинг”ни,  
Довруғи оламга овоза Тошкент!



---

## ШУКРОНА

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
артист Камолиддин Раҳматовга*

Шукрона айтамиз қутлуғ кунларга,  
Маънога, мазмунга тўлуғ кунларга,  
Фаровон, нурафшон, улуғ кунларга,  
Эй, озод диёрим Ўзбекистоним,  
Эй, обод диёрим Ўзбекистоним!

Мўйсафид Шарқимиз машъалидирсан,  
Ой, қуёш, юлдузлар сайқалидирсан,  
Оламга юз очган буюк элдирсан,  
Эй, озод диёрим Ўзбекистоним,  
Эй, обод диёрим Ўзбекистоним!

Авлодлар умиди, орзу-армони,  
Маърифат бўстони, эзгу достони,  
Дўстлигу тинчликнинг метин қўрғони,  
Эй, озод диёрим Ўзбекистоним,  
Эй, обод диёрим Ўзбекистоним!

Ороминг бузса шум ёвлар ногаҳон,  
Шармисор бўлғуси, топмагай омон!  
Шарафинг сақлашга шаймиз ҳар қачон,  
Эй, озод диёрим Ўзбекистоним,  
Эй, обод диёрим Ўзбекистоним!

Бахтлисан, бошингда нур сочар қуёш,  
Қаторда норинг бор, бисёр дўст, йўлдош,  
Искандар тилаги: юз минг ёшдан ош!  
Эй, озод диёрим Ўзбекистоним,  
Эй, обод диёрим Ўзбекистоним!

---

## ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ МОНОЛОГИ

Жалоллиддин Мангуберди Султондир отим,  
Остимдадир оқ туркмани саманим, отим!  
Тингланг сўзим, васиятим улуғ авлодим,  
Эй, Алпомиш келбатлигим, мисли Фарҳодим!

Босганида ёғий Чингиз мулки Туронни,  
Кўшин тўплаб, ишга солдим совут, қалқонни!  
Кувиб маккор ёв, муртадни кездим Эронни,  
Бағдод, Қофқоз, Ҳиндистону Парвон, Афғонни!


Юрагимнинг тўридаги ардоқли элнинг,  
Тили нолон, дили вайрон, кулбаси кулнинг,  
Аёллари беваю тул, эрлари кулнинг  
Ҳурлиги деб, кўзлаганман нурли манзилни!

Истиқлолнинг, Истиқболнинг қадрини етинг,  
Она-Ватан тупроғини кўзлара суртинг,  
Учманг олчоқ ғаддорларнинг ҳийла, макрина,  
Огоҳликни, ҳушёрликни, пеша, касб этинг!

Зеро, гулшан, чаманзорлар бизнинг бу макон,  
Зоғларамас, булбулларга Ватан, ошиён!  
Ватангадо, сотқинлардан қилинг минг ҳазар,  
Йўқса, Сизни оқ қилажак Она-юрт, башар!

Ёв келганда элимизга тўсинг йўлини,  
Боғлангиз қўл-оёғини, кесинг тилини!  
От қўйингиз устина, боз қилич кўтариб,  
Ўт қўйингиз, совурингиз кўкка қулини!

Бу йўлда сув, дарё келса, кечинг, симиринг,  
Тоғу тошлар, тўсиқларни суринг, кемиринг!  
Токи ғаним юртимиздан макон топмасин,  
Дайди итга менгзиб, санқиб, ҳарён чопмасин!



## ХОТИРА МУҚАДДАСДИР!



### ОҚҚУШ

*Муҳтарам волидаи меҳрибоним  
Қамарияхон Саидаҳмадхўжа қизининг  
ёрқин хотирасига*

Учди кўлдан Оққушим,  
Чикди кўлдан оҳ, қушим!  
Сийнаси пок, мусаффо,  
Момиқдай юмшоқ қушим!  
Келасан деб, кутаман,  
Келмасанг оҳ, нетаман?

Оққуш, Оққуш, Оққушим,  
Олиб кетдинг эс-хушим!  
Келолмайман ўзимга,  
Бу ўнгимми, ё тушим?  
Келасан деб, кутаман,  
Келмасанг оҳ, нетаман?

Оққуш, Оққуш, Оққушим,  
Қанотлари кумушим!  
Ўтар сенсиз наҳотки,  
Энди баҳор, ёз, қишим?  
Келасан деб, кутаман,  
Келмасанг оҳ, нетаман?

Оққуш, Оққуш, Оққушим,  
Эсласам оғрир тўшим!  
Хаёлимда ҳамиша  
Сен-ла кечган ўтмишим!  
Келасан деб, кутаман,  
Келмасанг оҳ, нетаман?

Оққуш, Оққуш, Оққушим,  
Ёруғ бўлсин маконинг!  
Йўлларингга интизор  
Искандаринг, Раҳмонинг.  
Келасан деб, кутаман,  
Келмасанг оҳ, нетаман?



---

## ЯХШИЛАР ЁДИ

Яхшилар ёди ҳеч ўчмас диллардан,  
Яхши ном, яхши из қолур улардан.  
“Яхшидан боғ қолур, ёмонлардан дод”,  
Унутма бу сўзни асло одамзод!

### Нақорат:

Яхшилар яшайди дилларимизда,  
Умрбод тарона, тилларимизда!  
Бўлсин шон-шарафлар қаҳрамонларга,  
Элсевар, фидойи қиз-ўғлонларга!  
Мусаффо осмонда зоглар учмасин,  
Одамлар кўксини фарёд кучмасин!

Элу юрт ишқи-ла яшаса мудом,  
Топгуси ҳар Инсон иззату икром.  
Унажак гул-чечак қутлуғ изидан,  
Авлодлар боражак улуғ изидан!

### Нақорат.

---

---

## ШАҲИДЛАРНИ ДУО ҚИЛАМИЗ!

Кундай ёруғ, оппоқ тилаги,  
Куч-қувватга тўлган билаги,  
Эл-юртим деб, урган юраги,  
Шаҳидларни дуо қиламиз!

Шум қатағон манфур қурбони,  
Истиқлол деб, тўкилган қони,  
Миллатимиз марду майдони,  
Шаҳидларни дуо қиламиз!

Бу – Мунаввар қори, Қодирий,  
Чўлпон, Фитрат, Саид Аҳрорий,  
Авлонийлар, Усмон Носири,...  
Шаҳидларни дуо қиламиз!

Руҳи кезмиш Бўзсув томонда,  
Юнусобод деган маконда,  
Зиёратгоҳ, Ўзбекистонда,  
Шаҳидларни дуо қиламиз!

Сафимизда бўлиб мужассам,  
Йиллараро саломат, бардам,  
Юртбошимиз ёнида ҳамдам,  
Шаҳидларни дуо қиламиз!

Асло ўчмас ёди, чироғи,  
Дилдан, тилдан доғи, фироғи,  
Қўлдан қўймай улар байроғин,  
Шаҳидларни дуо қиламиз!

---

## СИЗ БИЛАН АЗИЗДИР...

Сизларни кўрганда тўлар бағримиз,  
Очилар офтобдай кўнгил, баҳримиз,  
Тошади дарёдай меҳр наҳримиз,  
Нурафшон бўлади қишлоқ, шаҳримиз,  
Фахрийлар — фаҳримиз, ҳамкорларимиз,  
Эзгулик ишларга тайёрларимиз!

Сиз ўтган шарафли йўл бизга сабоқ,  
Ёритар йўлимиз мисоли маёқ,  
Ҳилпирар қўлларда сиз берган байроқ,  
Сиз билан азиздир она-Ер, тупроқ,  
Фахрийлар — фаҳримиз, ҳамкорларимиз,  
Эзгулик ишларга тайёрларимиз!

Сиз босган излардан борамиз илдам,  
Сиз каби мардона, музаффар, шаҳдам,  
Қиламиз Ватанни обод, мустаҳкам,  
Ҳамиша сафларда бўлинг соғ, бардам,  
Фахрийлар — фаҳримиз, ҳамкорларимиз,  
Эзгулик ишларга тайёрларимиз!

---



---

## ХОТИРА МУҚАДДАСДИР!

Элнинг қўзи қораси,  
Жигарпора, сараси,  
Муқаддас хотираси  
Авлодлар дилидадир,  
Ёдида, тилидадир!

### Нақорат:

Ўтганларни ёд айлаш,  
Руҳларини шод айлаш,  
Тирикларни авайлаш  
Инсонийлик қарзимиз,  
Раҳмонийлик фарзимиз!


Оналарнинг фарёди,  
Чеккан алам, оҳ, доди,  
Жангга борганлар ёди,  
Авлодлар дилидадир,  
Ёдида, тилидадир!

### Нақорат.

Лаънат уруш, қирғинга,  
Ўт-оловга, ёнғинга!  
Тинчлик — она заминга!  
Бир-биримиз асрайлик!  
Давру даврон сурайлик!

## Нақорат:

Ўтганларни ёд айлаш,  
Руҳларини шод айлаш,  
Тирикларни авайлаш  
Инсонийлик қарзимиз,  
Раҳмонийлик фарзимиз!



---

## УРУШ БЕВАЛАРИ

*Бахт қасримга кириб мени тонди дард:  
Уруш, ёзда ёққан қор каби ўлим.  
Уттизга кирмаёқ сочим қор ялаб,  
Кўз ёшим сойига тўкилди гулим.*

*Зулфия*

Сизга таъзим, минг бор қуллуқ, тасанно  
Муҳаббат боғининг бол мевалари!  
Айрилиқ дардида дили пора, қон,  
Эй, уруш йилларин мард бевалари!

Қаро кун келганда эл-юрт бошига  
Жангоҳга отланди ёстиқдошингиз.  
Бўлажак фарзанди юзин кўрмасдан  
Сўнди олис юртда бахт қуёшингиз.

Бир қўлда бешигу бир қўлда дунё  
Тебратиб кутдингиз ёрим келар деб.  
Ғалаба нишонин тақиб кўксига  
Ноғирон бўлса-да, норим келар деб.

Тунлари тўлғониб, илтижо билан  
Ёстиқни жиққа ҳўл, кўл-кўл қилдингиз.  
Ўзингиз емайин, киймай кийдириб,  
Болалар рискени мўл-кўл қилдингиз.

Муҳаббат жомини тўйиб ичолмай,  
Ғам, фироқ ўтида ёниб кетдингиз.

Аёллик зийнатин солиб сандиққа,  
Матонат тулпорин миниб кетдингиз.

Шунча йил яшайсиз ёлғиз, ўзингиз,  
Ҳалоли жуфтингиз сиймоси билан.  
Ундан бир ёдгорлик – ўғил-қизингиз,  
Ҳаёт гулғунчаси, раъноси билан.

Оқарди сочингиз кирмай ўттизга,  
Қоплади ажинлар анор юзингиз.  
Кўйса совчи не-не барно йигитлар,  
Улар бир бўлишди, Сиз бир ўзингиз:

– Умримни бахш этдим фарзандим учун,  
Меҳрим бергум унга токи ҳаётман!  
Келажак авлодим – дилбандим учун  
Мен эрим сингари қалқон, қанотман!

Норизо бўлмаса бўлди Отаси,  
У қалбим тўрида, ардоғимдадир.  
Умр ҳам туш каби ўтар-кетаркан,  
Умидим, зурёдим, қароғимдадир.

От ўрнини босар тойлар албатта,  
Эрур бахт-саодат бунга етишмоқ.  
Яшашдан мақсадим – вафо боғида  
Садоқат машъалин мангу ёритмоқ.

Биргина фарзандим бўлди ўн, ўн беш,  
Катта бир хонадон онахониман!  
Бўлсам ҳам мен уруш беваси ҳамон,  
Тинчликка сафарбар эл посбониман!

Истагим: урушнинг ўчсин қораси!  
Ўтса ҳам шунча йил битмас яраси!  
Ўлмасин ҳеч кимнинг жигарпораси,  
Мустаҳкам тинчликдир бунинг чораси!

---

## ЎЗБЕКИСТОН ЁРҚИН ЮЛДУЗИ

*Уруш қатнашчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан  
арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор, юксак давлат  
орден ва медаллари соҳибаси  
Муқаддам Ашрапова хотирасига*

Туғилдингиз шаҳри Тошкентда,  
Энг қадимий, энг ёш Тошкентда,  
Эзгуликка бош-қош Тошкентда,  
Ўзбекистон ёрқин юлдузи,  
Муқаддамхон Ашрафхон қизи.


Шифокорлик эди касбингиз,  
Фидокорлик эди касбингиз,  
Зиёкорлик эди касбингиз,  
Ўзбекистон ёрқин юлдузи,  
Муқаддамхон Ашрафхон қизи.

Босганида ёв элимизни,  
Тўсганида ғов йўлимизни,  
— Халоскорим! — деди эл Сизни,  
Ўзбекистон ёрқин юлдузи,  
Муқаддамхон Ашрафхон қизи.

Жанггоҳларда сув, қон кечдингиз,  
Ватан дея жондан кечдингиз,  
Ёв устидан зафар кучдингиз,  
Ўзбекистон ёрқин юлдузи,  
Муқаддамхон Ашрафхон қизи.

Минг-мингларга бўлолдингиз жон,  
Ва дардига дорию дармон,  
Эй табаррук, мўътабар Инсон,  
Ўзбекистон ёрқин юлдузи,  
Муқаддамхон Ашрафхон қизи.

Искандар дер: Босган изингиз  
Шарафлидир, шонга тўлдингиз!  
Эл олдида ёруғ юзингиз,  
Ўзбекистон ёрқин юлдузи,  
Муқаддамхон Ашрафхон қизи!



---

## ҲАМШИРА

*Уруш қатнашчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
ўқитувчи Мавжуда Саидовна Саматовага*

Исмингиз унутганман, қаро эди қошингиз,  
Зулфингиз эса сунбул, мағрур эди бошингиз,  
Ўн саккизми, ўн тўққиз баҳор эди ёшингиз,  
Сизни эслаб шеър битар жанговар сафдошингиз,  
Хаёлимда яшайсиз, Сиз меҳрибон ҳамшира,  
Изларингиз излайман, унутолмайман сира.

Ўт-оловлар ичидан бизни излаб топгансиз,  
Гоҳи судраб, опичлаб медсанбатга чопгансиз,  
Ертўла, окопларда кўздай асраб, боққансиз,  
Кўксимизга ҳаётнинг гуллари таққансиз,  
Хаёлимда яшайсиз, Сиз меҳрибон ҳамшира,  
Изларингиз излайман, унутолмайман сира.

Урушнинг жароҳати, яраси битмас ҳамон,  
Қирғин деган офатни ер қаъри ютмас ҳамон,  
Оналарнинг фарёди қулоқдан кетмас ҳамон,  
Омон қайтганлар борки, Сизни унутмас ҳамон,  
Хаёлимда яшайсиз, Сиз меҳрибон ҳамшира,  
Изларингиз излайман, унутолмайман сира.

Кўз ўнгимдан кетмайди ёшлик, баҳор фаслингиз,  
Ўғлим, қизим, неварам эгаллашди касбингиз,  
Ўзбекман дер эдингиз сўраганда аслингиз,  
Ҳамон доғда Искандар топмай исму жисмингиз,  
Хаёлимда яшайсиз, Сиз меҳрибон ҳамшира,  
Изларингиз излайман, унутолмайман сира.

---

## МУКАРРАМАХОНИМ ҶИНАСА...

*Ўзбекистон фахри, ифтихори  
Мукаррамахоним Турғунбоева хотирасига*

Олам яшнаб, қувонар кўнгил,  
Баҳор каби яшарар кўнгил,  
Очиладир мисли лола, гул,  
Мукаррамахоним ўйнаса,  
Муҳтарамахоним ўйнаса!

Қирқта қизнинг бўлиб онаси,  
Ҳам отаси, ҳам дугонаси,  
Бошларида минг парвонаси,  
Мукаррамахоним ўйнаса,  
Муҳтарамахоним ўйнаса!


“Пахта”, “Пилла”, “Тановар”... рақси,  
Ўзбек элин ғурури, нақши,  
Жозибаси, сурури яхши,  
Мукаррамахоним ўйнаса,  
Муҳтарамахоним ўйнаса!

Олам кезиб “Баҳор”и билан,  
Қаҳрамону Бахтиёр билан...  
Хайрулла, дўст-ҳамкори билан,  
Мукаррамахоним ўйнаса,  
Муҳтарамахоним ўйнаса!



Саҳнамизнинг бўлиб қуёши,  
Қирқ қизларнинг устоз, сирдоши,  
Искандарнинг чин асрдоши,  
Муқаррамаҳоним ўйнаса,  
Муҳтарамаҳоним ўйнаса!

У доимо ҳар бир даврада,  
Издошлари қалби, дардида,  
Гоҳ Зиёда, гоҳ Маъмурада,  
Муқаррама бўлиб ўйнаса,  
Муҳтарама бўлиб ўйнаса,  
Бирга яшаб, бирга қуйласа,  
Дил розини элга сўйласа!



---

## УЗОЛМАСМАН КҰНГИЛНИ...

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,  
“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби  
Неъматжон Қулабдуллаев хотирасига*

Узолмасман кўнгилни гул фасли баҳоримдан,  
Оқшомни улаб тонгга кутганим наҳоримдан!  
Кўзим очиб кўрганим, ой юзли нигоримдан,  
Лола лабли, ширин сўз, кўзлари хуморимдан!

Васлига не ранж ила етганим ё озмиди?  
Ҳажрида заҳар-заққум ютганим ё озмиди!  
Бу дунёдан уни деб, ўтганим ё озмиди!  
Нечун энди кечурман, аҳдимдан, қароримдан?

Орзуларим кўп ҳали, юмушларим битмаган,  
Меҳмонларим саноқсиз, тўй-ҳашамда кутмаган,  
Жондан азиз дўстларим, борлигим унутмаган,  
Яшагайман олиб завқ, куч-мадор ҳамкоримдан!

Ушалгуси орзулар, бир кун чиқгум рўёбга,  
Талпингандай мавжудот ёруғликка, офтобга,  
Ёзилгуси Искандар исми ҳам зар китобга!  
Айрилмасман ўлсам ҳам ёримдан, диёримдан,  
Бир умрли вафодор торимдан, дуторимдан!

---

## ЖАСОРАТ

(Баллада)

*Жангчи шоир  
Зоҳиджон Обидов хотирасига*

“2003 йилда Санкт-Петербургдаги Пискарёв қабристонига шаҳар қуршовида ҳалок бўлган олти минг ўзбекистонлик жангчилар хотирасини абадийлаштириш мақсадида ёдгорлик ўрнатилди”.


*(“Тошкент оқшоми” газетаси, 2007 йил, 7 май)*

— Келдик, мана неварам,  
Қадим Питер шаҳрига!  
Жасорати бир олам,  
Мовий Нева наҳрига!  
Ўқ теккан танасига,  
Марди-майдон шаҳар бу.  
Ёвларига кўкраги  
Қалқон бўлган шаҳар бу.  
Мардлик билан қилган жанг  
Ўлим билан юзма-юз.  
Қолиб темир ҳалқада  
Тўққиз ой кеча-кундуз!  
Қаҳратон қиш. Изғирин  
Очирмас кўз, увиллар.  
Тўймайди қорин қурғур,  
Бош айланар, ғувиллар.  
Қултум сув, ушоқ нон деб,  
Қанча жонлар узилди.  
Ладогадан дўстларнинг  
Нажот қўли чўзилди.  
Вазият оғир, қалтис,

Фармон берди қўмондон:  
“Ҳаёт-мамот йўли”да  
Элга ташиш керак нон!”  
Ўлтириб машинамга,  
Ҳуҳ-хуҳладим қўлимни.  
Қисир-қисир муз йўлда  
Чекинтирдим ўлимни.  
Ўзим очман, бемадор,  
Зорман бир тишлам нонга.  
Юртга меҳр-садоқат  
Сингиган қонга, жонга.  
Нон ҳиди гупилларди,  
Юрагим дукилларди,  
“Оҳ, қани нон бўлса”, — деб  
Лак-луким ликилларди.  
Йўлда мени чалғитиб,  
Отди нафсим ҳаккалак:  
“Кўрқма, билмайди ҳеч ким,  
Йўқса бўласан ҳалок!  
Машинанг тўла нонга,  
Қанча ер эдинг, қанча?!  
Тўйиб-тўйиб есанг-чи,  
Оч қорнинг қаппайганча!”  
Кириб нафсим сўзига,  
Машинани тўхтатдим.  
Очиб кузов эшигин,  
Ўзимни нонга отдим!  
О, нон ҳиди, нон ҳиди!  
Ҳидига ҳеч тўймадим!  
Бир бўлак нонни ўпиб,  
Қўлимдан ҳеч қўймадим!  
Ҳўнграб-ҳўнграб йиғладим,  
Ишонмасдим ўзимга.  
— Бу не бахт! — деб суртардим  
Нонни юзу кўзимга!

Билмам қайдан келарди  
Кўзларимга шунча ёш!  
Дийдаси қаттиқ эдим,  
Бор эди сабр, бардош.  
Лекин тугаб бардошим  
Кўз ёшим ялар эдим.  
Қўйиб берса бор нонни  
Бўридай ямлар эдим!  
— О азиз нон, нақадар  
Ёқасан димоғимга!  
Ҳозир сени егайман! —  
Деб турсам қулоғимга,  
Садо келди қайдандир,  
Нидо келди қайдандир:  
“Тўхта, сабр қил, нодон!  
Борми сенда ор, виждон!  
Кўпчиликнинг ризқини  
Қилсанг туя, яхшимас!  
Нафс деб виждонингга  
Тушса куя, яхшимас!  
Баҳам кўр дўстлар билан  
Ўзингни ол тез қўлга!  
Неча минг жон тикар кўз,  
Интизор сенга, йўлга!”  
Қулоғимда қўнглимнинг  
Фармони, сўзи қолди.  
Бурда нонда тишимнинг  
Армони, изи қолди.  
Машинамни манзилга  
Нақ етказган чоғимда,  
Сездим ногоҳ қаттиқ зарб  
Чап қанот, оёғимда.  
Кўкдан тушган ўқ, бомба  
Ёрилгандай тўшимда,  
Буриб четга рулимни,  
Кетдим бехос хушимдан!

Очсам кўзим бир маҳал,  
Вужудим зир қақшарди.  
Қайбир ери танамнинг  
Узилганга ўхшарди.  
Гурра келган одамлар:  
— Тирик! Омон! — дейишди.  
— Бизга совға йўллабди  
Ўзбекистон! — дейишди.  
Қара, машинам қоп-қоп  
Туршак, майиз, нон экан!  
Дўст бошига иш тушса,  
Эл-юрт бир тан, жон экан!  
Кимдир битта майизни  
Оғзимга солиб кетди.  
Бир тишлам нон узатиб,  
Меҳримни олиб кетди.  
Аммо, қурғур дайди ўқ  
Оёғим юлиб кетди!  
Ўтган уруш, фалокат  
Бағримни тилиб кетди!  
Гарчи танам бўлаги  
Қолди четда умрбод.  
Бор экан юрт, қардошим,  
Мен бутунман, бахтли, шод!



---

## ҚЎЗИҚОРИН

*Ўғлим Бахтиёрнинг  
ёрқин хотирасига бағишлайман*

### I

— Хуш келибсиз, азизлар,  
Бизнинг макон — Ўролга!  
Келтирдингиз зўр қувонч  
Биз ёлғиз кампир, чолга.

Ҳасанот қадамингиз,  
Чин дўстлик меҳри учун!  
Отангиздан ёдгорлик  
Садоқат сеҳри учун!

Шундан-шунга кўтариб  
Совғалар келтирибсиз,  
Қовун, тарвуз, шафтоли,  
Узум, туршак, гул, майиз...

Қип-қизил патир, ширмон  
Юзингизга ўхшайди.  
Куёшдек тафти иссиқ  
Кўзингизга ўхшайди.

Минг раҳмат бунинг учун  
Ўзбекистон халқига!  
Қанча илиқ сўз айтсак,  
Камдир унинг ҳаққига!

Ғалабага Ўролдан  
Чўзганмиз мадад қўлин.  
Тўкмасак-да жангда қон,  
Тўсганмиз душман йўлин.

Пахта, дон берган бўлса  
Ўзбекистон Ватанга,  
Бу ерда биз пўлатдек  
Тобланганмиз мартенда.

Қаҳратон қиш, совуқда  
Ишлардик терлаб-пишиб.  
Вақт бўлганда иккимиз  
Кетардик гапга тушиб.

Кўзиқорин шўрвани  
Ёқтирарди у жуда.  
Палов ошни кўп эслар  
Эди хаёл мавжида.

Бекободга борганда  
Тузингиз тотган эдик.  
Ёзда ишком остида,  
Сўрида ётган эдик.

Ош еб чинни лаганда  
Кўк чойни хўп ичганмиз.  
Ўйин тушиб “Роҳат”га,  
Гўё кўкка учганмиз.

Сиз кийдирган кўк чопон  
Бағримни иссиқ тутар.  
Ҳар лаҳзада жанговар  
Ўртоғимни эслатар.

Ота қадрдоним деб,  
Бизни йўқлаб келибсиз.  
Омон бўлинг, тойчоқлар,  
Жуда яхши қилибсиз.

Бизнинг бойлик — дов-дарахт,  
Кўм-кўк яшил ўрмондир.



Яланглик, қайинзорлар  
Кўзиқоринга кондир.

Таомимиз подшоси  
Билинг, кўзиқориндир.  
Бу сиздаги палов ош,  
Ёки тотли нориндир.

Дўстлар, қилинг марҳамат  
Қаранг, кўзиқоринга!  
Уялиб ё тортиниб,  
Қилманг жабр қоринга!

Мезбон Иван Петрович  
Дил сўзини тугатди.  
Лидия Васильевна  
Бизни зимдан кузатди.

“Ёқарми кўзиқорин  
Меҳмонларга” дегандай.  
“Атай келишган бизнинг  
Томонларга” дегандай.

– Уялишга нима бор,  
Келдик Сизни кўргали!  
Отамиз бўлган жойда  
Юриб, сайр қилгали!

– Раҳмат, раҳмат, азизлар,  
Ўрмон биздан қочмайди.  
Уч кун бўлди осмон ҳам  
Қовоғини очмайди.

Ёмғир тинди дегунча,  
Куёш чиқар албатта.  
Кўзиқорин терамиз  
Сиққунича саватга!

## II

– Ёмғирдан сўнг ўрмонни  
Босар кўзиқоринлар.  
Патир-путир ҳар ёнда  
Ўсар кўзиқоринлар.

Ҳамма кўзиқоринлар  
Соябонга ўхшайди.  
Сохтасига алданиб  
Қанча жонлар қақшайди!

Эмас бари фойдали  
Бўлган билан салласи.  
Бўлгандай одамларнинг  
Баъзан чала мулласи.

Бири овқат, ош бўлиб,  
Яраганда коринга,  
Бири заҳар, тош бўлиб,  
Оғир ботар қоринга.

Оқ саллали замбуруғ  
Буларнинг энг аълоси!  
Қуритилгани ҳатто  
Минг хил дарднинг давоси.

Пиёз билан қовуриб,  
Қаймоқ кўшиб есангиз,  
Оғзингизда мазаси  
Қолар оҳ-оҳ, билсангиз!

Шўрваси жон роҳати,  
Ичган билан тўймайсиз.  
Идиш бўшамагунча,  
Уни қўлдан қўймайсиз.

Қизил қалпоқча кийган,  
Мана буниси ҳам зўр.  
Емишли бўлар жуда,  
Қилсанг тузин бироз шўр.

Саритой деганимиз,  
Қуртламайди сира ҳам.  
Тухум сарифи рангли,  
Думбадай юмшоқ, хуштаъм.

Билинг, анов қилтириқ,  
Ранги сариқ малласи,  
Тўнка ёнида ўсган  
Қурбақанинг салласи!

Бундай кўзиқориннинг  
Фойда битган-тургани.  
Биз ўрмонга борамиз,  
Шунақасин тергани.

### III

Дам олиш куни эди,  
Биз отландик ўрмонга.  
Олиб пичоқ, саватча  
Юрдик вокзал томонга.

Сахий қуёш осмонда  
Кулиб, чарақлар эди.  
Ўт-майса, дов-дарахтлар  
Яшнаб, ярақлар эди.

Поезд келди дегунча,  
Ҳамма унга ёпишди.  
Қолиб кетмайлик дебми,  
У ён-бу ён чопишди.

Ўрмон шунча одамни  
Сигдирарми бағрига?  
Кўзиқорин етмаса,  
Учрамасми қаҳрига?

Иван Петрович кулиб,  
Майин жилмаяр эди.  
Бўш жойнинг йўқлигидан  
Биздан уялар эди.

– Ҳозир бўшаб қолади,  
Чиданг жичча, озгина.  
Бизнинг борар еримиз,  
Узоқроғу созгина.

Биз поезддан тушибоқ,  
Кирдик ўрмон бағрига.  
Кўм-кўк арча, қарағай,  
Оқ қайинжон бағрига.

Юмшоқ, енгил, соф ҳаво  
Тўлдирди кўкрагимиз.  
Энтикиб урди гуп-гуп  
Севинчдан юрагимиз.

Қушларнинг куй-нағмаси  
Хуш ёқди кўнглимизга.  
Ўт-майса гилам бўлиб,  
Тўшалди йўлимизга.

Ҳар ким ҳар ён тарқалиб,  
Кўзиқорин изладик.  
Тезроқ териб, саватни  
Тўлдиришни кўзладик.

#### IV

— Ада, келинг бу ёққа,  
Мана Сизга топишмоқ;  
Айтинг ўхшар нимага?  
Ё беринг шаҳар тезроқ!

Мен оқ қайин остига  
Келдиму назар солдим.  
Тўртта қузиқоринга  
Қараб, ўйланиб қолдим:

“Нимага ўхшар улар,  
Бу тўрт ўртоқ, тўрт ботир?  
Қўл ушлашиб ёнма-ён  
Қайга кетишаётир?”

Хаёлимдан яшиндай,  
Бир фикр чақнаб ўтди.  
Ўзимнинг ҳам қизимдай  
Кўзларим чақнаб кетди!

— Биласанми, бу қизим,  
Оилага ўхшайди!  
Ота-онали ўғил —  
Қиз болага ўхшайди!

— Ада, тўғри топдингиз,  
Ўйловдим шундай мен ҳам!  
Мана бу Сиз, бу Ойим,  
Буниси мен, бу Акам!

Мен табиат сеҳрига  
Қойил қолиб завқландим.  
Ерга ётиб, ястаниб,  
Ўзимда йўқ шавқландим.

Мовий кўкда сузарди  
Паға-паға оқ булут.  
Гўё дерди: “Бўлмаган  
Ҳали кўп нарса унут”.

V

“Кўзиқорин яратса,  
Агар атом бомбаси,  
Ер куррасин эгаллар  
Ял-ял ўт, алангаси!

Унинг ҳаётда тутган  
Вазифаси бошқача!  
Ишга тушса мабодо  
Эритади тошгача!

Бунда бўлмас ғолиб ҳам,  
Ва ё мағлуб, енгилган.  
Олар ёнғин олдини  
Ҳозир ўзини билган.

Огоҳ бўлинг, одамлар,  
Ядро “кўзиқорини”дан!  
Туғилмасин фалокат  
Унинг гумбаз қорнидан!

Кутманг нажот, бошпана  
Қора соябонидан!  
Ўйнашади у билан  
Тўйган ширин жонидан!

Ўрмонда замбуруғни  
Саралаймиз ўзимиз.  
Кўра бериб уларни,  
Кетган пишиб кўзимиз.

“Сунъий кўзиқорин”лар  
Илдизин қуритайлик!  
Кенг даврада келишиб,  
Соғ фикр юритайлик.

Огоҳ бўлинг, одамлар,  
Дуч келманг фалокатга!  
Келтирмасин бу қурол,  
Дунёни ҳалокатга!

Токи атом остида  
Тирик жон эзилмасин!  
Меҳнат қилиб қургани  
Уяси бузилмасин!..”

Иван Петрович бўлса,  
Юраги тошиб чандон,  
Кўл силкиб бор овоз-ла  
Қичқирарди биз томон:

— Ана кўзиқорину  
Мана кўзиқоринлар!  
Кўзиқорин сайлига  
Дўстлар, келиб қолинглар!



---

## ЎЛГУМ ЙЎҚДИР ОТАМ ЁШИДА!

*Кечқурун ош сузсак бир насиба кам,  
Қумсайман бировни — аллакимимни.  
Доимо умидим бардам бўлса ҳам,  
Баъзан васвасалар босар дилимни.*


*Ғафур Ғулом*

Қирқ тўртинчи йили қўлтиқ таёқда,  
Бир оёқсиз отам қайтди урушдан.  
Кийим-боши илма-тешик, қон доғи,  
Аччиқ дуд, чанг ҳиди билан қоришган.  
Жанг кечиб, соч-соқоли оқарган,  
Яшаш завқи чақнар эди кўзида.  
Бизга қараб тўймас, севинч, ўкинч, дард,  
Ҳаяжон бор эди ҳар бир сўзида.  
— Тушимми, ўнгимми? — дерди у бизга, —  
Соғ қолдим қайси бир болам бахтига.  
Қон тўлиб кўзига, баъзан асабий  
“Қаларди” фишт ғаддор Гитлер тахтига.  
Урушнинг ўзи ҳам, номи ҳам ўчсин,  
Биз кўрган урушни сиз кўрманг, — дерди.  
Тинчликнинг қадрига етинг азизлар,  
Биз кўрган кунларни ҳеч сўрманг, — дерди.  
Ғалаба кунини кутди, етолмай,  
Отамнинг қалб тори афсус узилди.  
Туш каби келди, кетди оламдан,  
Янгроқ дил қўшиғи тинди, бузилди.  
Яримта бўлса ҳам, иймони бутун,  
Биз учун у етук бир тимсол эди.



Эзгулик, тантилик, мардлик бобида  
Топилмас хазина, зар мисол эди.  
Униб, ўсиб юрсанг эл-юрт ичида  
“Кимнинг ўғли, қизи?” – деркан одамлар.  
“От босмаган изни тойчоқ босипти,  
Баракалла! Худди ўзи!” – деркан одамлар.  
“Тортса майли юзи-кўзи, юриши,  
Ўхшамасин умри асло!” – дейишар.  
“Ҳозир кўрса ўғил-қизин камолин  
Сифмасди ўзига”, – деб ҳам қўйишар.  
Минг раҳмат элимиз, элатимизга,  
Отасиз ўссак ҳам, ҳеч кам бўлмадик.  
Элу юрт бошимиз узра парвона,  
Оғир кун ташвишин, ғамин кўрмадик,  
Емайин едириб, киймай кийдириб,  
Қўймади бағридан онажонимиз.  
Ўқитиб мактабда, дорилфунунда,  
Вояга етказди меҳрибонимиз.  
Баъзида қочади уйқум тунлари,  
Баъзида хаёлим бўлар паришон:  
Наҳот дунё яна алғов ва далғов?  
Наҳот ҳамон ўксир минглаб хонадон?  
Биз-ку кўрдик ота афти-ангорин,  
Озми-кўпми сездик нафас, меҳрини.  
Турнақатор бўзлаб, она диёрда  
Ҳурмат-ла ўрадик гулга қабрини.  
Аммо бир умрга ота дийдорин  
Кўрмаган беозор минглаб кўнгил бор!  
Отанинг бир оғиз ширин сўзига,  
Сеҳрига интиқ, зор минг-минглаб дил бор!  
Кўрганда отасин тенгқур, дўстини  
Кетмасми уларнинг дили зирқираб?  
Зиёрат айлашиб мардлар мазорин  
Оқмасми ёшлари кўздан тирқираб?  
Ўғил-қиз улғайиб, бўлишиб катта,  
Кўришган ўғил-қиз, қўш-қўш невар.

“Қани менинг катта бобом?” – деб,  
Қўймасми ҳол-жонга, жажжи чевара?  
Уруш сабаб, бевақт ўлди отамиз,  
Мана, етдим мен ҳам унинг ёшига!  
Эътиқод, иймонни қалбга этиб жо,  
Келдим гул кўтариб қабри бошига.  
Ҳамон ваҳма солар хориждан қузғун,  
Тугамаган ҳали бузғунчи зоти.  
Мен эса, шаҳидлар ҳурмати учун  
Курашгум, тинч бўлсин, она-Ер токи!  
– Ўлгум йўқдир! – дейман отам ёшида,  
Унинг умри қалбда мангу фироқдир!  
Нияти, орзуси, иши, армони  
Юксакка чорловчи ўчмас чироқдир!  
Уруш! Шум ўйинга етганинг етар!  
Отамни ёш олиб кетганинг етар!  
Ҳали кўпдир менинг қилар ишларим,  
Олам-олам ўй, ташвишларим...  
Ўлгум йўқдир отам ёшида!..



## ВАТАНИМИЗ – ОНАМИЗ

---



### МЕН АСКАР ОНАСИ

Мен аскар онаси, тинчлик жарчиси,  
Ер-кўкни қучади янгроқ овозим!  
Яратиш, яшнатиш хушхабарчиси,  
Қуёшу Ойгача етгай парвозим!

Мен фарзанд келтирдим ёруғ дунёга  
Гулласин, яшнасин дея бу олам!  
Узатдим қўлимни нурга, зиёга,  
Ўйнасин, кулсин деб, зурёдим, болам!

Ўт-олов ичида, қирғин, офатда,  
Ҳеч маҳал ўлмасин менинг ҳам болам!  
Юрагим безовта бўлиб кулфатда,  
Оқмасин кўзимдан шашқатор жолам!

Оналар орзуси, тилаги битта:  
Жаҳонда тинчлик, бахт барқарор бўлсин!  
Эл озод, юрт обод бўлиб ҳамиша,  
Уйимиз болага, қўшиққа тўлсин!



---

## АЛЛА

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист  
Тожибар Азизовага*

Булбуллар шўх сайрайди, алла,  
Гулзоримда, боғимда, алла.  
Овунчоғим яйрайди, алла,  
Кучоғимда, бағримда, алла.

Онагинанг ўргилсин, алла,  
Қора қошу кўзингдан, алла.  
Ёмон кўздан асрасин, алла,  
Гуллар унсин изингдан, алла.

Улғайиб тез элингга, алла,  
Посбон бўлгин, оппоғим, алла.  
Камар боғлаб белингга, алла,  
Қалқон бўлгин тойчоғим, алла.

Ўзбекистон, юртингни, алла,  
Севгин отанг, бобонгдай, алла.  
Оқла берган сутимни, алла,  
Мард, баҳодир полвондай, алла.

---

---

## ВАТАНИМИЗ – ОНАМИЗ

Ватан асли маҳалла, остонадан бошланар,  
Киндик қонинг тўкилган нурхонадан бошланар,  
Онажонинг алласи, таронадан бошланар,  
Униб-ўсган маконинг, кошонадан бошланар,  
Азиз она-табиат, дурдонадан бошланар,  
Тўй, маърака, суҳбати жононадан бошланар.

Ватанимиз – онамиз, биз ишқида ёнамиз,  
Эртаю кеч қошида жон фидо, парвонамиз!

Ватан Она сўзига оҳангдошдир, эй фарзанд,  
Эгизакдир туғишган, жарангдошдир, эй фарзанд,  
Ажралмасдир, бутундир, жон туташдир, эй фарзанд,  
Ватанидин айрилган бағри тошдир, эй фарзанд!  
Айро тушсанг Ватандин, кўнглинг ғашдир, эй фарзанд.  
Эслаганда Ватанни кўзинг беҳос ёшланур!

Ватанимиз – онамиз, биз ишқида ёнамиз,  
Эртаю кеч қошида жон фидо, парвонамиз!

Эй, Искандар, гул Ватан, Она туйғуси тилда,  
Уни рози қилмоқлик эзгу орзуси тилда,  
Иймони бут, мустаҳкам инсонларда ҳамиша,  
Элига фидойи қиз-ўғлонларда ҳамиша,  
Юрт байроғин ўпган он, замонадан бошланур,  
Ичган аҳду қасами, паймонадан бошланур,  
Шунга монанд мардона, дадил қадам ташланур!

Ватанимиз – онамиз, биз ишқида ёнамиз,  
Эртаю кеч қошида жон фидо, парвонамиз!

---

## ОНА-ВАТАН – МУҚАДДАС МАСКАН!

Она-Ватан – муқаддас маскан,  
Ватан – Она каби улуғдир!  
Унинг ишқи тилларда дoston,  
Инсон борки, бахти тўлуғдир!

Ватан – кучли ҳимоя билан,  
Чин эътиқод, чин ғоя билан!  
Ватан учун кўксини қалқон  
Қилгувчи мард, чўнг қоя билан!

Элнинг асл дилбанд, фарзанди  
Ватан учун жонин берадир!  
Сўзда эмас, чин ҳимояда  
Қонин тўкиб, кўкрак керадир!

Ватан, қувон, сафда жанговар,  
Жасур, марду майдонларинг бор!  
Минг лашкарга битта ўзи тенг,  
Чайир навкар, посбонларинг бор!

Сарҳадларинг даҳлсиз, Ватан,  
Осмонингда бир зоғ учолмас!  
Гулла-яшна, ҳур Ўзбекистон,  
Посбонингдан рози бўлсанг бас!

---

## АСЛ ЙИГИТЛАР, АҲИЛ ЙИГИТЛАР!

Ҳар баҳор, ҳар кузда кўча тўлдириб,  
Кимнидир куйдириб, кимни кулдириб,  
Аҳдида мустаҳкам, мардона туриб,  
Йўл олар йигитлар жанговар сафга!  
Оқ бўлсин йўлингиз, асл йигитлар!  
Соғ-омон қайтингиз, аҳил йигитлар!

Она-юрт фармони, тилаги билан,  
Юракнинг туғёни, истаги билан,  
Отилиб олдинга кўкраги билан,  
Йўл олар йигитлар жанговар сафга,  
Кўйилар йигитлар жанговар сафга!  
Оқ бўлсин йўлингиз, асл йигитлар!  
Соғ-омон қайтингиз, аҳил йигитлар!

Йигитлик ғурурин байроқдек асраб,  
Оталар ишончин, йўлини оқлаб,  
Ҳур Ватан тупроғин севиб, ардоқлаб.  
Қайтишар шон-зафар қучиб йигитлар!  
Она-юрт маконга учиб йигитлар!  
Офарин Сизларга ботир йигитлар!  
Оловқалб, баҳодир, нодир йигитлар!

Ҳар баҳор, ҳар кузда елиб-югуриб,  
Кўксини шон, нишон билан тўлдириб,  
Жанговар сафларда мардона туриб,  
Қайтишар ҳарбийдан ғолиб йигитлар!  
Юртига тинчлик, бахт олиб йигитлар!  
Бор бўлсин навқирон насл, йигитлар!  
Тинчликка сафарбар, кафил йигитлар!

---

## ҲАРБИЙГА БОРМАГАН ЙИГИТ, ЙИГИТМИ?

Мен нечун ҳарбийга бормас эканман?  
Ё таним носоғми, юзим шувитми?  
Борми бирор камим тенгдошларимдан?  
Хизматга бормаган йигит, йигитми?

Йўқ, йигит эканман, ўзбек фарзанди,  
Ҳақиқий хизматга бормоқлигим шарт!  
То қўлин ниқталаб бир қиз демасин:  
— Бу хизмат қилмаган, қочоқ, ё номард!

Йигитлик гурурим сиғмас танамга,  
Эл учун хизматга мудом тайёрман!  
Бу менинг қасамим, чин йигит сўзим,  
Гар қайтсам аҳдимдан бебурд, беорман!

Мана, мен хизматга отландим дўстлар,  
Дилимда бир олам завқу ҳаяжон!  
Кўнглингиз бўлсин тўқ, қилманг хавотир  
Мендан эй, азизлар, ота-онажон!

Мен қайга бормайин эл-юртим учун  
Йигитлик бурчимга содиқ қоламан!  
Учраса йўлимда ҳар қандай тўсиқ,  
Уларни мардона енга оламан!


Оталар-боболар панди дилимда,  
Сув келса кечаман, ёнаман ўтда!  
Бир сафда туну кун дўстларим билан,  
Тик, ҳушёр тураман жанговар постда!



Кўлимга берилган қудратли қурол  
Сирини эгаллаб, асрайман кўздай!  
Ватаним тинчлиги, дахлсизлигин  
Сақлайман табаррук ош-нону туздай!

Хизматга йўл олдим, хуш қолинг, дўстлар,  
Хизматга бормаган йигит, йигитми?  
Нечун мен ҳарбийга бормас эканман?  
Ё таним носоғми, юзим шувутми?

Йўқ, йигит эканман, бошда дўппим бор,  
Жанговар сафларда чиниқмоғим шарт!  
То қўлин ниқталаб бир қиз демасин:  
— Бу хизмат қилмаган, қочоқ, ё номард!



---


## ДЎСТЛАР, ЭРТА УЧГУМДИР...

Дўстлар, эрта учгумдир,  
Сиздан анча узоққа.  
Ўз йигитлик бурчимни  
Ўтаб хизмат қилмоққа.  
Чунки хизмат, олий бурч  
Шуни этар тақозо.  
Буйруқ олдим, қўмондон  
Чеккан унга қўл, имзо.  
Тайёр сафар анжомим,  
Эрта йўлга чиқаман.  
Ҳаммангизни қучоқлаб,  
Қўлингизни сиқаман.

Мен боражак қисмимнинг  
Кўзи бўлиб бораман.  
Ота-онам, ёр-дўстим  
Юзи бўлиб бораман.  
Буюк ҳазрат Алишер  
Сўзи бўлиб бораман.  
Ҳамюртларим издоши,  
Изи бўлиб бораман.  
Дилда эзгу ҳаяжон,  
Ўтдай қизиб бораман.  
Юракка не қуйилса,  
Ёзиб, чизиб бораман!  
Ўйлайманки, мен унда  
Ишончингиз оқлайман.  
Меҳрингизни кўз каби  
Асрайман, ардоқлайман.

Азиз Ўзбекистоним  
Улуғ, кўкдай чексиздир.  
Денгизи, ер-осмони  
Беқиёсдир, тенгсиздир.  
— Қайда бўлсанг, соғ бўлиб,  
Эл-юртим де эй, ўғил!  
Элга хизмат қилмоқни  
Дил бурчим де эй, ўғил!  
Ҳар нуқтаси Ватаннинг  
Бизга азиз, дурдона!  
Уни сақла, севгин! — деб  
Ўғит берар юрт — Она.

Мана, эрта учгумдир,  
Дўстлар, Сиздан йироққа.  
Ўз йигитлик бурчимни  
Ўтаб хизмат қилмоққа.  
Чунки хизмат, олий бурч  
Шуни эгар тақозо!  
Юбор қайга хоҳласанг,  
Элим, бўл мендан ризо!



---

## АЙТИШУВ

*(Аскарликка отланган йигит ва уни кузатаётган қиз лапар)*

– Келди фурсат отланай,  
Хизмат сари чоғланай.  
Етиб боргач қисмга,  
Мактуб ила боғланай.

– Шунқорим, оқ йўл сизга,  
Ёруғ юз, омад сизга.  
Мард, баҳодир бўлинг деб,  
Дуойим ҳамроҳ сизга.

– Мендан кўнглинг бўлсин тўқ,  
Доғ туширмам номимга.  
Содиқ қолиб аҳдимга,  
Шон қўшаман шонимга.

– Ишонаман мен сизга,  
Боқаман йўлингизга.  
Эсдалик деб рўмолча,  
Бераман қўлингизга.

– Рўмолчангни оламан,  
Ёнгинамга соламан.  
Уни ҳар гал кўрганда,  
Ўйлаб, ўйга толаман.

– Ўйлаб нима қиласиз,  
Нега ўйга толасиз?  
Кўп ўйламанг, ахир сиз,  
Энди аскар боласиз.

– Мен йўғимда онамни,  
Ёки аммам, холамни,  
Кўриб қолсанг кўчада,  
Канда қилма саломни.


– Вой уят-ку, онангиз,  
Аммангизга кўринсам.  
Ҳали тўй бўлмай туриб,  
Ҳаммангизга кўринсам!

– Гапинг маъқул, кетаман,  
Сендан мактуб кутаман.  
Мен келгунча бошқага,  
Тегиб кетсанг, нетаман?

– Гапни бурманг бу ёққа,  
Яхши боринг у ёққа.  
Уёқларга борганда,  
Тушиб юрманг тузоққа.

#### И к к о в и :

Битта бўлса ўйимиз,  
Бўлар албат тўйимиз.  
Шунда барча келади,  
Бирга ўйнаб кулади.



---

## КУЗАТИШ

*(Бувижонлар тилидан)*

Ой бориб, омон кел, набирагинам,  
Олгину олдирма, йўлинг бўлсин оқ.  
Бобонгнинг руҳи шод, ота-онанг шод,  
Бўй-бастинг кўрганда кўнглим бўлар тоғ.

Бошингда дўппинг бор, белда белбоғинг,  
Йигитлик бурчингни адо эт, бўтам.  
Юртимиз мустақил, уни сев, сақла,  
Соғ-омон уйга қайт хизматни ўтаб.

Умрбод яшайди дилда навқирон,  
Раҳматлик бобонгнинг руҳи, хурмати.  
Уйимиз тўридан кулиб боқади,  
Сенингдек девсифат, дилкаш суврати.

Бу уруш фалокат бобонг сингари  
Минглаб ёш-ялангни ер каби ютди.  
Очилмай бир гули ўнта гулидан,  
Бемаҳал сўлдирди, узди, қуритди.


Яхши ҳам отанг бор, ўчмади номи,  
Эл ичра биз билан руҳи тирикдир.  
Ҳар ишда бизга ёр, ҳамдам, бошу қош,  
Оғиру энгил он ҳамдард, шерикдир.

Вақт ўтиб бўй етиб, бўлдинг ўспирин,  
Оталар изидан бор дадил, бўтам.  
Юртимиз мустақил, уни сев, сақла,  
Соғ-омон уйга қайт, хизматни ўтаб.

Ой бориб, омон кел, бұталоққинам,  
Тұқ, ширин мағизи данаккинамнинг.  
Тез келсанг хизматдан, курсам тўйингни,  
Қолмасди армони юраккинамнинг.

Етаклаб юрсайдим ўғлинг, қизингни,  
Боссайдим юзимга момик қўлини!  
Бобонгдай, отангдай сен асрай олсанг,  
Она-юрт тинчлиги, бахти, йўлини!

Ой бериб, омон кел, болажонгинам,  
Бўйингга қоқиндиқ, бувижонгинанг!



---

## ХАЙР, СОҒ КҮРИШГУНЧА!

Тўлиб кучга, қувватга,  
Белгиланган муддатга  
Олдим мен йўл хизматга,  
Хайр, соғ кўришгунча!  
Вақти чоғ кўришгунча!

Ҳарбий хизмат бурчимдир,  
Олий хислат бурчимдир,  
Унга ёшлик, кучимдир,  
Хайр, соғ кўришгунча!  
Вақти чоғ кўришгунча!

Дилда эзгу ҳаяжон,  
Қайга бормай, Онажон.  
Бўлгум юртимга посбон,  
Хайр, соғ кўришгунча!  
Вақти чоғ кўришгунча!

Пўлат сафда чиниқиб,  
Синовдан ғолиб чиқиб,  
Гов келса суриб, йиқиб  
Хайр, соғ кўришгунча,  
Вақти чоғ кўришгунча!

Гард юқтирмай номимга.  
Шон қўшиб унвонимга,  
Қайтгум юрт, маконимга,  
Хайр, соғ кўришгунча,  
Вақти чоғ кўришгунча!



---

## ВОҲАЙ БОЛА!

*(Халқ лапарн иўлида)*

Ҳарбий хизмат бурчинг экан,  
Унга ёшлик кучинг экан.  
Ўтамасанг ўз бурчингни,  
Эшитганинг пичинг экан.

### Нақорат:

Ҳа-ҳа, ҳа-ҳа, оҳай бола,  
Ҳи-ҳи, ҳи-ҳи, воҳай бола!  
Омон бориб, кел эй, бола!  
Севганинг-ла қил тўй бола!

Бўлмасанг ҳам ота ўғли,  
Бўлгин яхши одам ўғли!  
Ўт чақнасин изларингдан  
Нур ёғилсин юзларингдан!

### Нақорат.

Борар еринг анов жойда,  
Турар еринг манов жойда.  
Қилмай бизни кўп интизор,  
Хат ёзиб тур ҳафта, ойда!

### Нақорат.

Хат ёзмасанг ҳам майлига,  
Кирма шайтонлар майлига!  
Сўрамасдан бошлигингдан,  
Борма қовун, боғ сайлига!

## Нақорат.

Ватан — онанг кўзи сенда,  
Минг парвонанг кўзи сенда!  
Унутмагин берган ваъданг,  
Кўшни қизнинг кўзи сенда!

## Нақорат:

Ҳа-ҳа, ҳа-ҳа, оҳай бола,  
Ҳи-ҳи, ҳи-ҳи, воҳай бола!  
Омон бориб, кел эй, бола!  
Севганинг-ла қил тўй, бола!



---

## ЭЙ, ЎҒИЛ...

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
артист Илҳом Фармоновга*

Эй, ўғил, сен аввало бўл ўзингга мустақил,  
“Етти ўлчаб, битта кес”, элда бор шундай нақл,  
Эр кишининг ҳурмати, зийнати, кўрки ақл.  
Одам эрсанг, одамийлик хислатини пеша қил,  
Ота-она, ёру ошно, ўзгадин андиша қил.

“Кенгашиб бошланса тўй, тарқамайди”, дейдилар,  
Яхшилар кину ҳасадни сақламайди, дейдилар,  
Нотавонлар эл ишончин оқламайди, дейдилар,  
Одам эрсанг, одамийлик хислатини пеша қил,  
Ота-она, ёру ошно, ўзгадин андиша қил.

Эгри сўз бошни ёрар, тўғриси тошни, ўғил,  
Кесмагай асло қилич, эгилган бошни, ўғил,  
Чимирмасин Искандар беҳуда қошни, ўғил,  
Одам эрсанг, одамийлик хислатини пеша қил,  
Ота-она, ёру ошно, ўзгадин андиша қил.

---

---

## СЕРЖАНТЛАР МАРШИ

Биз қалбимиз амри-ла,  
Марди-майдон эркакмиз!  
Эл тинчлиги йўлида  
Кун-тун ҳушёр, сергакмиз!

Нақорат:

Жанговарлик касбимиз,  
Унвонимиз – сержантдир!  
Дилимиз эл дардига,  
Ҳамоҳангдир, пайванддир!

Тоғу тошда, сарҳадда,  
Эл оромин сақлаймиз!  
Ёвуз, маккор ёвларни  
Янчамиз, мажақлаймиз!

Ўзбекистон посбони,  
Элбошига тиргакмиз!  
Ваъдасига вафоли,  
Бир сўзли, шер юракмиз!

Нақорат.

---

---

## ОНА-ЮРТИМ, ЎҒЛИНГ ЭКАНМАН...

Фарзандиман, элим-юртимнинг,  
Курсантиман билим юртининг,  
Касбим – Ватан посбони бўлиш,  
Мададкори, тан-жони бўлиш.

### Нақорат:

Юрагимда завқу шавқ тошар,  
Элим шони кундан-кун ошар!  
Буюк юртим Ўзбекистонни  
Олқишлайди кенг жаҳон, башар!  
Она-юртим, ўғлинг эканман,  
Сенга жоним фидо деганман!

Жанговар саф, машқ майдонида,  
Ватанимнинг ер, осмонида,  
Ўз измимда туриб мардона,  
Эл шаънига айтгум тарона.

### Нақорат.

Юрт байроғин бошга кўтаргум,  
Ва тўлдириб мағрур кўкрагим,  
Олам узра ҳайқиргум шердай,  
Жўшқин дарё Аму ва Сирдай.

### Нақорат.

---

## ОҚ ЙЎЛ БЎЛСИН

Жанговар сафларга қўшилар бугун,  
Довюрак, баҳодир, ёш лейтенантлар!  
Ҳар босган изидан чақнаб ўт, учқун,  
Қалби дарё, ой, қуёш лейтенантлар!

Алпомиш қоматли, либос ярашган,  
Мушак, пайи чайир, тош лейтенантлар!  
Кўчадан ўтсалар, қизлар қарашган,  
Ҳуснига беролмай дош, лейтенантлар!

Она-юрт посбони, ўғлони улар,  
Демак, эл тақдири жасур қўлларда!  
Мардона ҳилпирар оталар берган  
Муқаддас юрт туғи мағрур қўлларда!

Оқ йўл бўлсин, Сизга ёш лейтенантлар,  
Эртанги кунимиз байроқдорлари!  
Жанговар қўмондон, генераллару  
Тинчликка сафарбар, халоскорлари!

Сиз қўнган маконнинг юз-кўзи бўлинг,  
Кўкида энг ёруғ юлдузи бўлинг!  
Қиличдай ўткиру бир сўзли бўлинг,  
Ёр Сизга сабр-бардош, лейтенантлар!

Она-юрт ишончин туз каби оқланг,  
Она-юрт тупроғин кўз каби сақланг,  
Қуролдош дўстларни севинг, ардоқланг,  
Шунда хам бўлмагай бош, лейтенантлар!

Оқ йўл бўлсин Сизга, ёш лейтенантлар,  
Эртанги кунимиз байроқдорлари!  
Жанговар қўмондон, генераллару  
Тинчликка сафарбар, халоскорлари!



---

## ОФИЦЕР ХОТИНИ

*Жанговар рафиқам Шарофатхонга*

Офицер хотини бўлиш бахт, омад,  
Ўткинчи умрнинг ҳар бир ониди!  
Иймону эътиқод, вафо фарзанди  
Жасорат жўш урса аёл қонида!

Бу орзу-ҳавасдир, олам кезмоқлик,  
Оқ ҳарир рўмолда никоҳ тўйида.  
Хаёлий оний сас, майин энтикиш,  
Сарин ел, шамолда никоҳ тўйида!

Ёғдудир, тўлин ой, ложувард осмон,  
Юлдузлар тангадай сочилган кеча.  
Кўзгудир, ранг-баранг гуллар тўшалган,  
Ёп-ёруғ, теп-текис хиёбон, кўча.

Аслида умрдир, учқур, кўнимсиз,  
Дарёдир, сершовқин, жўшқин, тинимсиз.  
Ҳаётдир, қувончу ғам-ташвиш тўла,  
Ўтар ҳар лаҳзаси матонат ила.

Садодир, дил торин жаранглашидир,  
Эр-хотин, фарзандлар гурунглашидир.  
Наводир, қўш юрак дардин куйловчи,  
Меҳрдан, вафодан ёниб сўйловчи.

Бу — боғдир, мевали, шарбатга тўлган,  
Боғбондир, довулда пишган, етилган.  
Бу — тоғдир, маъданли, улуғ, сервиқор,  
Посбондир, юртига ҳамиша бедор.



Бу – тилдир, она тил, азиз, бебаҳо,  
Сержило, сермаъно, ягона, танҳо!  
Бу – сабр-тоқатдир, маънавиятдир,  
Эзгу урф-одатдир, маданиятдир!

Булоқдир, чашмадир, кўз ёши эмас,  
Кўзингда ёш кўрса сирдошим демас!  
Бу – ҳаёт-мамотдир ёв босса элни,  
Нажотдир, оловли ғов тўсса йўлни!

Бу – шамсу қамардир, сахий, беминнат,  
Осмондай бағри кенг, очиқ, серҳиммат.  
Бу – мушки анбардир, гулдир, ғунчадир,  
Ҳали лаб очмаган бир тугунчадир.

Бу – оқ соч, ажиндир, умр вароғи,  
Оқ қиров, оқ йўлдир, умр тароғи.  
Онадир, Ватандир, жонга дармондир,  
Эл билан ҳамнафас, бир тану жондир!

Бу – дорилфунундир, Академия!  
У билан мустаҳкам эл-юрт, Армия!  
Бу – ҳурмат, эҳтиром, иззат-икромдир,  
Аёлга берилган буюк инъомдир!

Бор бўлсин сафларда зийрак аёллар,  
Оқила, бокира, тийрак аёллар!  
Жамият таянчи опа-сингиллар,  
Оила қувончи, беғубор диллар!



---

## ТАНКЛАР ЎТСА КЎЧАДАН

Моторин гуриллатиб,  
Тишларин гижирлатиб,  
Ўтса танклар кўчадан,  
Ер-кўк титрар кучидан.

У шердай наъра тортиб,  
Куч-қуввати ортиб,  
Силжийди олға, тикка,  
Пастликка, тепаликка.


Командири олдинда,  
Йўл кўрсатиб ойдиндай,  
Қиздирар машғулотни,  
Жанговар руҳ, ҳолатни.

Полигон, кенг далада,  
Ёзми, аёз паллада,  
Бошида шлемофон,  
Буйнида-чи? Микрофон.

Дарё келса кечишга,  
Фовлар келса йиқишга  
Ўргатар танкчиларни,  
Баҳодир жангчиларни.

Танклар ўтса кўчадан,  
Эл кузатиб қолади.  
Баҳодири, мардига  
Гул узатиб қолади.

Биладики, ўғлони  
Келтирар бахт, омонлик.  
Мажақлайди ёвларни,  
Қилса бизга ёмонлик.



---

**АРМИЯМИЗ БОР БЎЛСИН!**

*(Мари)*

Ўзбекистон ишончи,  
Ифтихори, қувончи,  
Пойдевори, таянчи,  
Камарбаста, юпанчи.

**Нақорат:**

Армиямиз бор бўлсин,  
Унга омад ёр бўлсин!  
Ёвуз ният ғанимлар  
Шармисору хор бўлсин!

Чегарамиз посбони,  
Тинчлигимиз қалқони,  
Элнинг марди майдони,  
Ор-номуси, виждони,

**Нақорат:**

Эл, Армия бир бўлса,  
Кафолатда яшаймиз!  
Осмонимиз мусаффо,  
Фароғатда яшаймиз!

**Нақорат.**

---

---

## ЛИБОСИМГА ОШДИ ИХЛОСИМ

Олий бош Қўмондоним,  
Юртбошимиз, Аяжон,  
Қисмимизга келдилар,  
Дилда гурур, ҳаяжон!

Менинг билан ёнма-ён,  
Битта сафда турдилар!  
— Хизмат қалай, ўғлон? — деб,  
Ҳолу аҳвол сўрдилар!

Ҳатто кийим-либосим  
Кечирдилар назардан!  
— Бўлсин миллий ва қулай,  
Асрасин хавф-хатардан!

Кўтарайлик, — дедилар, —  
Ҳарбий либос қадрини!  
Юқтирайлик эл-юртга,  
Унга ҳавас меҳрини.

Ҳар бир ҳарбий либосин  
Севсин қаттиқ жонидан!  
Кўрган келиб ҳаваси  
Кетолмасин ёнидан!

Шундан сўнг Йўлбошчимга,  
Ихлосим, меҳрим ошди!  
Касбимга, либосимга  
Ҳавасим, меҳрим ошди!

Либосимга бир умр  
Бўлиб ошиқ яшайман!  
Ҳарбий унвон, касбимга  
Бўлиб содиқ яшайман!

Либосимни, Аяжон,  
Ечмайман ҳеч эгнимдан!  
Сизга берган ваъдамни  
Чиқармайман кўнглимдан!



---

## ҚАСАМЁД

Биз тинчлик истаймиз жумла жаҳонга,  
Марказий Осиё, Ўзбекистонга!  
Бу йўлда ажодлар руҳи бизга ёр,  
Ҳамиша байроқдир, улуғ мадаккор!

Йўлимиз тўғридир, қайтиш йўқ асло,  
Қасд қилган боридан бўлур мосуво!  
Ёвларни янчишга тайёр посбонмиз,  
Сафлари мустаҳкам, пўлат қалқонмиз!

Эй, Она-халқимиз, дунё, коинот,  
Эшитинг элатлар, бани одамзот:  
Она-юрт Туронда тинчлик сақлашга  
Биз қасам ичамиз, қасам, қасамёд!

---




### СЕНИ ҲЙЛАЙМАН

Бош кўйган чоғида уфққа кўёш,  
Қошингни эслатиб қораяркан қош,  
Ҳижрон онларига берибон бардош,  
Мен сени Ҳйладим, сени эй, дилдор!

Кузатгач кўёшни тинч ётоғига.  
Кўксимни бердим-да юртим тоғига,  
Шўх елда тебранган ўт, япроғига  
Мен сени сўйладим, сени эй, дилдор!

Еллар ҳам завқланиб, чалди нағма-соз,  
Майсалар, япроқлар бўлди жўровоз!  
Қалбимни тўлдириб, қўлга олиб соз,  
Мен сени куйладим, сени эй, дилдор!

Билмадим, сен мени Ҳйлармикансан?  
Дугонанг, онангга сўйлармикансан?  
Ё чертиб ишқ торин куйлармикансан?  
Шуларни Ҳйлайман, эй севгили ёр,  
Шуларни куйлайман, эй севгили ёр!





---

## ВАТАН ҚИЗИ

*Ўзбекистон халқ  
артисти Фуломжон Ёқубовга*

Кўзларимга қиё боқиб  
Қоши қалам қочди, кетди.  
Қуёшсифат юзларидан  
Шуъла, карам сочди, кетди.

Отиб мужгон ўқларини  
Бу нотавон кўнглимга ул,  
Раҳмсизлик шевасини  
Қилиб аён шошди, кетди.

Чилвир сочи ярашибдир  
Қадди расо бўйларига,  
Ўтарми деб интизорман  
Сарви равон йўлларига.

Кошки эди хино бўлсам  
Унинг нозик қўлларига,  
Васлин истаб хаёл қурғур  
Қайларгадир учди, кетди.

Ватан қизи асир этдинг,  
Бир кўриб лол бўлиб қолдим.  
Лайлимидинг, офатижон?  
Мажнун мисол бўлиб қолдим.

Зарра куч йўқ қўл-оёқда,  
Ажиб бир ҳол бўлиб қолдим.  
Билсам сеҳринг қирғоғидан  
Искандаринг тошди, кетди.

---

## ЯХШИ ҚИЗ

Сирим этмай ошкора,  
Юрагим бўлди пора.  
Севдим Сизни, на чора?  
Билмадингиз, яхши қиз!

Пойладим йўлингизни,  
Билай деб дилингизни,  
Олай деб қўлингизни,  
Боқмадингиз, яхши қиз!

Осмон йироқ, ер қаттиқ,  
Ҳажрингиз бўлди тортиқ.  
Чекдим ғам, алам ортиқ,  
Билмадингиз, яхши қиз!

Сизга кўнглим бор эди,  
Кўнглим интизор эди,  
Сизга омад ёр эди,  
Билмадингиз, яхши қиз!

Ёши ўтиб тобора,  
Бу Искандар, бечора,  
Кутар Сиздан бир чора,  
Билармисиз, яхши қиз?!  
Эй, юрагим нақши, қиз?!

---

## МУҲАББАТ

Эй, азал-азалдан дилларга ошно,  
Эзгулик элчиси, зиё муҳаббат!  
Бизга Одам Ато, Момо Ҳаводан  
Мерос қолган ажиб дунё муҳаббат!

Сен борсан – оламда мурувват бордир,  
Сен борсан – одамга саховат ёрдир.  
Сен борсан – яшашнинг гашти бошқача,  
Яшариб яшнайти кекса ёшгача.

### Нақорат:

На чечак, на гуллар, лола, шалола...  
Овутмас кўнглимни, излайман сени!  
На тонгда булбуллар чеккан оҳ, нола  
Босолмас ўрнингни, излайман сени!

Нимасан, айт ўзи асли муҳаббат,  
Эй, ёшлик, гўзаллик фасли муҳаббат?!  
Юрагим парчаси, армонимисан,  
Садоси, нидоси, фармонимисан?

Муҳаббат қаримас дунёда асло,  
У сочар элларга, дилларга зиё!  
Искандар бор бўлсин, меҳру муҳаббат,  
Дилларга ёр бўлсин, меҳру муҳаббат!

---

## ОЙҚИЗ

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
артист Бахтиёр Холхўжаевга*

Ойқиз, ойдек жамолинг,  
Лабингда нуқта холинг,  
Қалам қошинг, ҳилолинг,  
Булсин менга раво қиз,  
Бўлсин менга даво қиз.

Сен кезмасанг боғимда,  
Соғинганим чоғимда,  
Кўзгинам, қароғимда  
Кўнглим уйи зиёсиз,  
Сенсиз, меҳригиёсиз.

Ойқиз, боққин кўзимга,  
Ишон йигит сўзимга,  
Ёр бўлмасанг ўзимга  
Умрим ўтар маъносиз,  
Сенсиз, гулсиз, раъносиз.

Лаблари лола, Ойқиз,  
Қалби зилола, Ойқиз...

---

---

## ЁР, КЕЛАСАНМИ?

Йўлларингга кўзим интизор, ёр, келасанми?  
Бўйларингга жонгинам нисор, ёр, келасанми?  
Висолингга ўзгинам хумор, ёр, келасанми?  
Келасан деб, кутаман зор-зор, ёр, келасанми?

Оппоқ тонглар ҳавосидирсан, моҳитобоним,  
Булбулларнинг навосидирсан, қоши камоним,  
Кўнглим ҳуши, давосидирсан, оромижоним,  
Келасан деб, кутаман зор-зор, ёр, келасанми?

Ҳижрон они мунчалар узоқ, оҳ билсанг эди,  
Қилмай ортиқ васлингга муштоқ, оҳ келсанг эди,  
Искандарга айлаб ноз-фироқ, гоҳ кулсанг эди,  
Келасан деб, кутаман зор-зор, ёр, келасанми?

---

---

## ЁР-ЁР

Ассалом, эй, йигитлар,  
Бизлар келдик, ёр-ёр!  
Сиздан хабар олгани,  
Қизлар келдик, ёр-ёр!

Хизматингиз хўш, қалай,  
Ўтарми соз, ёр-ёр?  
Туғаб қолар қолгани,  
Ўтса бир ёз, ёр-ёр!

Шунча камми вақтингиз,  
Ёзмайсиз хат, ёр-ёр?  
Кута-кута хатингиз,  
Кўзимиз тўрт, ёр-ёр.

Билсак, бошни қашишга  
Вақтингиз йўқ, ёр-ёр.  
Куйиб-пишиб юрибсиз,  
Юракда чўғ, ёр-ёр.


Сизни кўриб хурсандмиз,  
Танингиз соғ, ёр-ёр.  
Измингизда хушёрсиз,  
Кайфингиз чоғ, ёр-ёр.

Сизга яқин ёр-дўстлар  
Йўллар салом, ёр-ёр!  
Бисотида боридан  
Совға-салом, ёр-ёр!

Бу кулчатой патирда  
Кул изимиз бор, бор!  
Сизга қайноқ меҳримиз,  
Дил розимиз, ёр-ёр!

Эл тузини оқлангиз,  
Эй, йигитлар, ёр-ёр!  
Юртни кўздай асрангиз,  
Эй, йигитлар, ёр-ёр!

Бўлсин биздан доимо  
Кўнглингиз тўқ, ёр-ёр!  
Қайтинг соғу саломат,  
Бошқа гап йўқ, ёр-ёр!



---

## МАРДОНА РАҚС ТУШАЙЛИК

*Истеъдодли моҳир раққос  
Нарзиддин Шерматовга*

Чилдирманинг гижбадабанги,  
Карнай-сурнай сеҳри, оҳанги,  
Юракларда завқ-шавқ уйғотар,  
— Тур, тур! — дея қўймас, қўзғатар,  
Ўйламасанг, сени ўйлатар,  
Ўйнамасанг, сени ўйнатар!

### Нақорат:

Қани туринг, дадил йигитлар,  
Қани юринг, аҳил йигитлар,  
Мардона бир рақсга тушайлик,  
Ўзбекона рақсга тушайлик,  
Нарзона бир рақсга тушайлик,  
Фарзона бир рақсга тушайлик!

Рақс асли дил каптаридир,  
Очилмаган дил дафтаридир,  
Яралмаган қўшиқ сатридир,  
Таралмаган мушки, атридир,  
Ўйламасанг, сени ўйлатар,  
Ўйнамасанг, сени ўйнатар!

Лол қолдириб қиз, эркакларни,  
Сел қилдириб шўх юракларни,  
Кўтарайлик кенг кўкракларни,  
Шамшод қомат, чўнг билакларни,  
Ишга солиб ўй, тилакларни,  
Вужуддаги пай, мушакларни!



## Нақорат.

Шер боласи, ботир шерлармиз,  
Куч-қудратли, нодир шерлармиз,  
Меҳнат, рақсга моҳир шерлармиз,  
Дилларни сел қилган эрлармиз,  
Сайхун, Жайхун шахди бор бизда,  
Искандарлар жаҳди бор бизда!



---

## АСКАРНОМА

Болам, олдим номангни,  
Имлоингга тасанно!  
Пешонаси ялтироқ  
Иқболингга тасанно!

Эсон-омон экансан,  
Камолингга тасанно!  
Юборибсан сувратинг,  
Жамолингга тасанно!

Кўз-кўз қилиб хатингни,  
Ёр-дўстларга кўрсатдим,  
Фахр улар дилида,  
Кўзида ёш кузатдим.

Онагинанг киргиттон,  
Қадди расо бўйингдан!  
Насихатим чиқарма,  
Болам, асло ўйингдан:

— Дўстларингни авайла,  
Қўшин кучи — дўстликда!  
Бирлик бўлса ҳамиша  
Эл-юрт яшар тинчликда!

## ҲАМКОРЛИК ҚЎШИНИМИЗ!



### ЖАНГОВАР ШАЙЛИК

Эл тинчлиги — гарови —  
Жанговар шайлик.  
Кун-тун заҳмат синови —  
Жанговар шайлик.

Армиямиз қудрати —  
Жанговар шайлик.  
Юртимиз шон-шуҳрати —  
Жанговар шайлик.

#### Нақорат:

Жанговар шайлик, жанговар шайлик,  
Келинг, эй дўстлар, биз бирлашайлик!  
Тинчлик йўлида белни мустаҳкам,  
Қилиб мардона куч синашайлик!

Шайлик борки, эл-юртда  
Тинчлик барқарор!  
Сафларимиз метиндай,  
Омад бизга ёр!

Шайлик борки, ҳамиша  
Осмон беғубор!  
Ғаламислар албатта,  
Бўлур хору зор!

#### Нақорат.

---




## ЭЙ ҚҰШИН...

Эй Қўшин, сафланинг елкама-елка,  
Зичланинг, ўртада бўшлиқ қолмасин!  
Сафларда турингиз мардона, тикка,  
То ғаним орага рахна солмасин!

Бирлашган ўзади, айрилган тўзар,  
Ғояси пуч одам сафларни бузар.  
Ўт, олов чақнасин қадамингиздан,  
Ортига чекинсин шум бало, хатар!

Эй Қўшин, сафланинг елкама-елка,  
Зичланинг, ўртада бўшлиқ қолмасин!  
Ғаддор ёв бағрини қилингиз тилка,  
Зарбангиз кучидан нафас олмасин!

---



---

## ҲАМКОРЛИК ҚЎШИНИМИЗ!

Фидойилик касбимиз,  
Мустақкам асабимиз!  
Низомимиз ҳар банди,  
Ота, Момолар панди:  
Эл яшасин омонда,  
Эмин, эркин замонда!

### Нақорат:

Қадимий Туркистонда  
Ҳамкорлик қўшинимиз!  
Эзгу мақсад йўлида  
Оға-ини, қўшнимиз!  
Шиоримиз – шу элда  
Тинчлик, барқарорликдир!  
Ёвуз кучлар олдида  
Бир тани жон, бирликдир!

Ўт-оловда чиниққан,  
Фовларни суриб, йиққан,  
Курашда ғолиб чиққан,  
«Тинчлик!» – дея куч йиққан,  
Эл яшасин омонда,  
Эмин, эркин замонда!

### Нақорат.

---

---

## БИЗ БИРЛАШГАН ҚЎШИНМИЗ!

Қуруқликда юрамиз,  
От-уловда, пиёда.  
Бизга етар қўшин йўқ,  
Армияда дунёда.

Тарихимиз азалий, -  
Айтсак, йўқдир ниҳоя.  
Босиб ўтган йўлимиз,  
Битмас дoston, ҳикоя.

### Нақорат:

Ўқчи, тўпчи, танкчилар  
Бирлашган зўр қўшинмиз!  
Ёв устига ташланган  
Ўт-оловмиз, яшинмиз!

Давом этар бизларда  
Бу жанговар анъана!  
Қўшинимиз қудратли  
Бўлар яна ва яна!

Тум тарақай қилганмиз  
Шоҳ Доро қўшинларин!  
Зарбамиздан чекинган  
Искандар Зулқарнайн!

Чингизхон ўрдасини  
Қон қақшатган ўзимиз!  
Темур бобом даврида  
Донг таратган ўзимиз!

### Нақорат.

---

## ПИЁДА АСКАРЛАР МАРШИ

Босиб олис йўлларни,  
Дала, тоққа чиқамиз!  
Бериб қўлга қўлларни,  
Тўсиқ келса йиқамиз!

### Нақорат:

Биз пиёда аскармиз,  
Илдам, чаққон лашкармиз!  
Юра бериб пиёда,  
Энг чиниққан навкармиз!

Ниятимиз — манзилга  
Ўз вақтида боришдир!  
Зарба бериб ёвларга,  
Ўтакасин ёришдир!

Зарур бўлса дарёни  
Биз ногаҳон кечамиз!  
Енгиб ёвуз душманни,  
Унга кафан бичамиз!

### Нақорат.

---

---

## ТАНКЧИЛАР ҚЎШИҒИ

Зирҳи метин пўлатдан,  
Қудратлидир танкимиз!  
Наъра тортса шер каби  
Даҳшатлидир танкимиз!

Эгарланган тойчоқдай,  
Кишнар, сакрар танкимиз!  
Ўнқир-чўнқир, адирда  
Тез ўрмалар танкимиз!

### Нақорат:

Биз танкчимиз, танкчимиз,  
Абжир, моҳир жангчимиз!  
Гард юқтирмас номига,  
Мард, баҳодир жангчимиз!

Пона янглиғ суқилар,  
Танкимиз ёв бағрига!  
Ҳамласидан кетар у,  
Жаҳаннамнинг қаърига!

Юрган йўлин тиши-ла  
Мажақлайди танкимиз!  
Теккан жойи қолмас бут,  
Пачақлайди танкимиз!

### Нақорат.



---

## ТЎПЧИЛАР МАРШИ

Гумбур-гумбур товушлар  
Чалинади қулоққа.  
Тилга кирар тўпчилар,  
Туриб дадил оёққа.

Нақорат:

Қўшин ичра оловли  
Қалқон эрур тўпчилар!  
Ўтган оғир синовдан  
Посбон эрур тўпчилар!

Олов пуркаб душманни  
Кул-кул қилур тўпчилар!  
Чекинтириб ҳолини  
Мушкул қилур тўпчилар!

Биз тўпчимиз, тўпчимиз,  
Марду майдон тўпчимиз!  
Элимизга посбонмиз,  
Кўкси қалқон тўпчимиз!

---




## САПЁРЛАР

Сапёрлар, сапёрлар, жасур сапёрлар,  
Касбидан дилида ғурур сапёрлар!  
Жанговар қўшинда доим пешқадам,  
Олдинги сафларда турур сапёрлар!

Сапёрлар, сапёрлар, жасур сапёрлар,  
Элига фидойи, мағрур сапёрлар!  
Энг оғир дамларда куракча билан  
Ертўла, хандақлар қазир сапёрлар!

Сапёрлар, сапёрлар, жасур сапёрлар,  
Кўмилган минани излаб топарлар!  
Душман устига кафан ёпарлар,  
Сўнг яна мардона, олға чопарлар!  
Ҳар қанча таҳсинга арзир сапёрлар!

---



---

## КАСБИМИЗ АЛОҚАЧИ

Касбимиз алоқачи,  
Ўзаро воситачи.  
Қани, қилинг қунғироқ,  
Бутун жисмимиз қулоқ!

– Алло! Лаббай! Хўп, ҳозир  
Алоқани боғлаймиз!  
Руҳингизни кўтариб,  
Дилингизни чоғлаймиз!

Ҳа, касбимиз шунақа,  
Кўприкмиз диллар аро.  
Маҳаллийми, халқаро,  
Ер юзи, эллар аро!

Мақсадимиз ҳамиша  
Эл, элатлар боғлансин!  
Тинчлик бўлиб барқарор,  
Миллат дили чоғлансин!

---

---



## ЭЙ, ОНА-ЮРТ, ОСМОНИМ!

Осмон менинг жон-дилим,  
Осмон менинг маконим!  
Парвоз этсам бағрида,  
Ушалар минг армоним!

Осмон менинг жон-дилим,  
Осмон менинг юрагим!  
Уни сақлаш мусаффо,  
Эзгу ўйим-тилагим!

Осмон менинг жон-дилим,  
Осмон менинг ошөним!  
Унинг каби буюқдир,  
Юртим – Ўзбекистоним!

Эй, она-юрт, осмоним,  
Азиз жону жаҳоним!  
Сен таянчим, тиргагим,  
Ушалмаса тилагим,  
Борми сенга керагим?!

---

## ОСМОНДАГИ ОҚ ЕЛКАН

Осмонда учиб, елган,  
Одамларни лол қилган.  
Ҳилпираган оқ елкан  
Елкасига минган ким?

Нақорат:

Ўзимизнинг Солижон,  
Жасур, Ботир, Омон-ку!  
Ўз аҳдида мустаҳкам —  
Қодир, Нодир полвон-ку!

Бор бўлсин Ўзбекистон  
Лочини, шоввозлари!  
Қуёш қадар юксалсин,  
Мардона парвозлари!

Осмонда учиб, елган,  
Қасбин муқаддас билган,  
Ёвлар кўксини тилган,  
Жасур инсон экан ким?

Нақорат.

Осмонда учиб, елган,  
Она-Ерга интилган,  
Ипакдан қанот қилган,  
Мағрур инсон экан ким?

Нақорат.

---

## ЭЛИМ ОЙ, ЮЛДУЗИМАН!

Жамолимга бир қаранг,  
Камолимга бир қаранг,  
Иқболимга бир қаранг,  
Тимсолимга бир қаранг!

### Нақорат:

Элим ой, юлдузиман,  
Офтобиман, юзиман!  
Тўмариси, ўзиман,  
Тиғдай ўткир сўзиман,  
Ойбарчини, қизиман,  
Посбониман, кўзиман!

Энг навқирон ёшимда,  
Ҳумо қуши бошимда,  
Дўст, қардошим қошимда,  
Омад, бахт ёр ишимда!

### Нақорат.

Ўзбекистон — Ватаним,  
Эй, бебаҳо гулшаним,  
Бош кўтарса бир ғаним,  
Сенга фидо жон-танним!

### Нақорат.

---

## ЧАВАНДОЗМАН, ШОВВОЗМАН!

Учқуримнинг манглайи қашқа,  
Ёвқуримнинг манглайи қашқа,  
Отлар аро хислати бошқа,  
Элга холис хизмати бошқа!  
Чавандозман, шоввоз йигитман,  
Ёв устида қора булутман!

Тулпоримни кун-тун қарайман,  
Ёлларини силаб, тарайман,  
Уни миниб сувлар кечаман,  
Тоғу тошда елдай учаман!  
Чавандозман, шоввоз йигитман,  
Ёв устида қора булутман!

Отим чопса дўпиру дўпир,  
Ғов бўлолмас ўнқир қўнқир.  
Олов чақнаб туёқларидан  
Еру осмон титрайди дир-дир!  
Чавандозман, шоввоз йигитман,  
Ёв устида қора булутман!

Бедовим-ла хизмат измимда,  
Кеча-кундуз бедор, хушёрман!  
Ғаним ўйин шу он, бир зумда  
Пуч қилишга шайман, тайёрман!  
Чавандозман, шоввоз йигитман,  
Ёв устида қора булутман!

---

## САЛЛАМНО, САЛЛАМНО СИЗГА ОТЛИҚЛАР!

Сизларни кўрганда қувнар кўзимиз,  
Офтобдай очилиб, яшнар юзимиз!  
Барҳаёт экан деб, қутлуғ изимиз,  
Юракдан қуйилар эзгу сўзимиз.

### Нақорат:

Салламно, салламно сизга отлиқлар,  
Тасанно элига фидо, содиқлар!  
Алпомиш келбатли, дев қоматлилар,  
Эй, учқур чавандоз, кўш қанотлилар!  
Бор бўлинг ҳамиша эй, чавандозлар,  
Элимиз сизларни севар, эъзозлар!

От суриб қир, адир, боғлар кезасиз,  
Далалар, даралар, тоғлар кезасиз,  
Тиқ этган шарпани дарров сезасиз,  
Пойгада, улоқда доим ўзасиз!

### Нақорат.

Бедовлар, тулпорлар остингиздадир,  
Уларнинг жилови измингиздадир.  
Она-юрт тинчлигин, оромин сақлаш  
Қалбингиз тўрида, жисмингиздадир!



---

## ЧЕГАРАЧИЛАР МАРШИ

Чегарада кеча-кундузи ҳушёр,  
Асраймиз Ватаннинг тинчлик, оромин.  
Гуллайсан, яшнайсан ҳур Ўзбекистон,  
Ушалгай энг эзгу орзу-армонинг!

Сафимизда бизга ҳамкор, мададкор,  
Хавфсизлик ишин мард посбонлари!  
Ёвлар ўйин зумда барбод қилгувчи,  
Ўзбекона, аҳди аҳд полвонлари!

### Нақорат:

Ўзбекистон ҳеч кимга  
Қарам бўлмас ҳеч қачон!  
Уни кўздек асраймиз,  
Токи жўшар танда қон!

Билиб қўйсин ғанимлар,  
Чегарамиз мустаҳкам!  
Уни бузиб ўтолмас,  
Бирор нопок шумқадам!

Ўзбекистон, сени асраймиз огоҳ,  
Барча бало-қазо, маккор ёвлардан!  
Бирлашиб, кўтариб байрогинг баланд,  
Мардона ўтамиз тўсиқ, ғовлардан!

### Нақорат.

---

## БОЖХОНАЧИЛАР ҚҶШИФИ

Божхонада ишлаймиз,  
Сизга айтсак олдиндан.  
Ўйламангки, буларнинг  
Туваклари олтиндан.

Иймон, инсоф бор бизда,  
Фидойимиз чинакам.  
Сезамиз дил кўзи-ла,  
Кимки бўлса муттаҳам!


Барча ўтган-кетганни  
Ўтказамиз элакдан.  
Тозалаймиз эл-юртни  
Айёр тулки, туллакдан!

Ердан, сувдан, осмондан  
Бирорта зоғ ўтолмас!  
Товланмасин ҳар қанча,  
Шум ўйига етолмас!

Қинғир ишнинг қийиғи  
Қирқ йилда ҳам билинар!  
Нафси бузуқ олғирлар  
Тумшуғидан илинар!

Шафқатсизмиз виждони  
Куя босган кимсага!  
Эл ризқини яримта,  
Туя қилган нусхага!

Дарвозамиз очикдир,  
Тўғри, ҳалол одамга!  
Ёруғ юз-ла боқамиз,  
Ўзбекистон, оламга!



---

## НАЖОТКОРЛАР МАРШИ

*Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар  
вазирлиги ходимларига бағишланади*

Фавқулодда ҳодиса  
Бўлар оёқ остида.  
Қошу қовоқ ораси,  
Ширин жонлар қасдида!

Огоҳ инсон ҳар доим  
Яшагайдир роҳатда.  
Уни асрар Худойим,  
Қолмагайдир ғафлатда!

На қорат:

Тайёр тезкор ёрдамга  
Мардона нажоткорлар!  
Шикастланган одамга  
Парвона халоскорлар!

Омон бўлсин ҳамиша  
Фидокор нажоткорлар!  
Мардликни қилган пеша,  
Мададкор халоскорлар!

Фалокатлар, офатлар  
Миллат, макон танламас!  
Бошга солар кулфатлар,  
Кексами — ёш аямас!

На қорат.

---

## САДОҚАТ МАРШИ

Эй, қуролдош элдошим,  
Доим бўлгин соғ, омон!  
Ҳарбий хизмат – шон-шараф,  
Кўксингни қил тоғ, қалқон!

Боболардан меросдир  
Бизга мардлик, жасорат!  
Ўз бурчига, элига  
Муҳаббату садоқат!

### Нақорат:

Меҳр, вафо белбоғин  
Маҳкам боғла белингга!  
Қаҳрамонлар сингари  
Жон фидо қил элингга!

Садоқатли инсонлар  
Яшнатурлар оламни!  
Иймони суст нодонлар  
Бўзлатурлар одамни!

Садоқатнинг ялови  
Ҳилпирасин қўлингга!  
Аждодларнинг пок руҳи  
Мадад бўлсин йўлингга!

### Нақорат.

---

## ЎЗ ПОСТИМДА ҲУШЁРМАН!

Мен соқчиман, кўриқчи,  
Эзгуликка йўриқчи!  
Тиқ этганни сезаман,  
Дарров режа тузаман!  
Ўз постимда ҳушёрман,  
Уйқумда ҳам бедорман!

Ниятини бузса ким,  
Бизга кўзин сузса ким,  
Кейин кўрсин ўзидан,  
Қолмайман ҳеч изидан!  
Ўз постимда ҳушёрман,  
Уйқумда ҳам бедорман!

Мақсадим — юрт тинчлиги,  
Оромини сақлашдир!  
Содиқ қолиб аҳдимга,  
Эл ишончин оқлашдир!  
Ўз постимда ҳушёрман,  
Уйқумда ҳам бедорман.

---

---

## ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!

Майли, ёмғир, майли, дўл ёғсин,  
Қор бўралаб, мўлу кўл ёғсин,  
Қуролимни қўймай қўлимдан,  
Иккиланмай, қўрқмай ўлимдан,  
Ватанимга хизмат қиламан,  
Душманларим кўксин тиламан!

Майли, эссин аччиқ изғирин,  
Чимчиласин қўл-оёқ, бурун,  
Пуркаса ҳам қуёш ўт-олов,  
Мен жонимни қўйсам-да гаров,  
Ватанимга хизмат қиламан,  
Душманларим кўксин тиламан!

Майли, турсин бўрон ғувиллаб,  
Майли, турсин тўфон увиллаб,  
Силжимасдан постим, измимдан,  
Асло қайтмай йигит сўзимдан,  
Ватанимга хизмат қиламан,  
Душманларим кўксин тиламан!

---

**БИЗ ЙЎЛБАРСМИЗ, ҚЎРҚМАСМИЗ!**

Сафларимиз оловда  
Эритилган пўлатдай.  
Шаймиз кун-тун хизматга  
Эгарланган ғиротдай!

Нақорат:

Биз довюрак йўлбарсмиз,  
Ҳеч нарсадан қўрқмасмиз!  
Симирамиз сув келса,  
Кемирамиз тош келса!

Душман билан осмонда,  
Тоғу даштда, уммонда,  
Мардона жанг қиламиз,  
Ёв ҳолин танг қиламиз!

Сафимизга қўшилар  
Жасур, чаққон йигитлар!  
Ўз элига фидойи,  
Кўкси қалқон йигитлар!

Нақорат.

---



---

## ОГОҲ БЎЛИНГ, ОДАМЛАР!

Ўзбекистон боғу роғларин  
Оралади калхату бойқуш!  
Унинг ёвуз ўйи, турқидан  
Бадан титрар, бошдан учар хуш!

Бу оқпадар, хоин, нонкўрлар  
Ватан қадрин қайдин билишсин!  
Дили қора, кўзи сўқирлар,  
Гулшан қадрин қайдин билишсин!

### Нақорат:

Биз муқаддас, озод Ватанда  
Энг гуллаган, обод чаманда,  
Муҳаммадга содиқ умматмиз,  
Аҳли иймон, содиқ миллатмиз!

Биз қанотмиз Йўлбошчимизга,  
Биз нажотмиз ўз юртимизга!  
Истиқлолнинг туғи ҳилпирар,  
Қайтмагаймиз ҳеч ортимизга!

Огоҳ бўлинг, азиз одамлар,  
Ўз эркимиз ўз қўлимизда!  
Бўлсак бир мушт хуш ўтар дамлар,  
Фов бўлолмас ёв йўлимизда!

---

## ҲАР ОҚШОМ САФЛАРДА...

Ҳар оқшом сафларда бўлар йўқлама,  
Бу не деб дўстгинам сен сўроқлама.  
Ҳаёт шу: тириксан, борсан ҳисобда,  
Номинг қайд этилган умум китобда.  
Баъзилар ўлибоқ, чиқар ҳисобдан,  
Номи ҳам ўчади дарров китобдан.  
Баъзилар ўлмайин чиқар ҳисобдан,  
Ўчирар номини ўзи китобдан.  
Яхшилар ўлса ҳам номи сақланур,  
Ҳар нафас, ҳар онда исми йўқланур.  
Искандар яшагин, сақлансин номинг,  
Ўлсанг ҳам сафларда йўқлансин номинг!

---

---

## ПОСТИМДА СЕРГАКМАН

Ота ўғли, одам ўғли бўлиб мен,  
Қўриқлайман юртим сарҳадларини.  
Орзуим шу – қайта уруш бўлмаса,  
Пуч этсам душманнинг ниятларини!

Менда йўқ ҳаловат, на кеча-кундуз  
Эрта-кеч сафдаман, йўл, сафардаман,  
Унутиб ёшлигу орзу-ҳавасни  
Эл не деб буюрса, камарбастаман.

Тиқ этса сезаман, юртим тинчлиги  
Йўлида, измимда тураман хушёр!  
Қўлимдан келмаса элни қўриқлаш  
Мен кимман! Фарзанд деб санарми диёр?

Марҳумлар руҳини бир дам унутмай,  
Тириклар тақдирин нондек асрайлик!  
Қайтмасин орқага у қора кунлар,  
Тинчликнинг ниҳолин жондек асрайлик!

Мен минглар қатори тинчлик йўлида,  
Сарҳадда, постимда тун-кун сергакман!  
Агар бош кўтарса ёвлар Ватан-чун  
Жангларга киришга тайёр ўзбекман!

---

---

## ЭЙ, ПОСБОНЛАР, БЎЛИНГ САЛОМАТ!

Ўзбекистон марди-майдони,  
Сарҳадлари сергак посбони,  
Тинчлигимиз пўлат қалқони,  
Эй, посбонлар, бўлинг саломат,  
Мард ўғлонлар, Сизга бахт, омад!

### Нақорат:

Саждагоҳим — Ватаним деган,  
Қиблагоҳим — Ватаним деган,  
Унга фидо жон-танзим деган,  
Эй, посбонлар, бўлинг саломат,  
Мард ўғлонлар, Сизга бахт, омад!

Армиямиз кучи-кудрати,  
Ватанимиз шони-шуҳрати,  
Юрт тинчлиги ўйи-нияти,  
Эй, посбонлар, бўлинг саломат,  
Мард ўғлонлар, Сизга бахт, омад!

Ўзбекистон — мардлар макони,  
Бордир Олий Бош Қўмондони,  
Мусаффордир, тиниқ осмони,  
Эй, посбонлар, бўлинг саломат,  
Мард ўғлонлар, Сизга бахт, омад!

### Нақорат.

---

## ҲАРБИЙЧА АЛИФБО

---



\* \* \*

### А

Ақли расо фарзанднинг  
Асли бурчи — ҳимоя!  
Азиз юртни авайлаш,  
Асраш бўлиб чўнг қоя!

### Б

Батальон байроғини  
Баланд тутар ботирлар!  
Бўлинманинг бойлиги  
Баҳодирлар, нодирлар!

### В

Ваъдаси чин, аҳди — аҳд,  
Ватансевар аскарнинг.  
Вахтасию пости тинч,  
Воқиф, хушёр лашкарнинг!

### Г

Гарнизонда шаҳарча,  
Генерал Бош таркиб бор.  
Госпиталь ва гулзорлар...  
Гард юқмас зўр тартиб бор!

### Д

«Диққат! Диққат!» деганда  
Довдирама, дуст, ўртоқ!  
Дарҳол қўлга қурол ол,  
Душманни бос дадилроқ!

## Е

Елдек елиб юрганнинг  
Елга учмас ҳаёти.  
Ерга тегмас елкаси,  
Елкадоши — қаноти.

## Ё

Ёлғиз чиқсанг сафарга,  
Ёмон йўлдош ёв бўлар.  
Ёт, ёвузнинг йўлига,  
Ёвқур йигит гов бўлар.

## Ж

Жанговарлик, жасурлик  
Жангчиларга хос хислат.  
Жасорат-ла жанггоҳда,  
Жанг қилмаслик — жиноят!

## З

Зийрак турар сарҳадда,  
Заковатли мард соқчи!  
Зарба олар зудликда  
Зоти паст, шум айғоқчи!

## И

Иғвогарлик, иблислик,  
Илгаридан бор иллат.  
Иллат изин қуритар,  
Инсонпарвар, ҳур миллат.

## Й

Йигитбоши мард эрса,  
Йигит боши ҳам бўлмас!  
Йўлда юки қолмагай,  
Йўлин топар, кам бўлмас!

## К

Кичик сержант — командир,  
Курсантларга кўмакдош.  
Камарбаста эрта-кеч,  
Куёвжўрадек йўлдош.

## Л

Лаёқатли бўлса ким,  
Лавозимга лойиқдир.  
«Лаббай!» дейиш сардорга,  
Лаб-даханга боғлиқдир.

## М

Муқаддас бурч — Ватанни  
Матонат-ла асрамоқ!  
Мустақил юрт — жон-танни  
Меҳру онт-ла асрамоқ!

## Н

Нонтепкилик, нодонлик,  
Наркобизнес — иллатдир.  
Норғул йигит мард бўлар,  
Номард эса хас, гарддир.

## О

Она-юрт деб куну тун,  
Осонмас сафда турмоқ.  
Озод, обод Ватанда  
Огоҳ бўлиб, от сурмоқ!

## П

Писмиқ, пасткаш панада,  
Палид пасқам, кир жойда.  
Палапартиш иш бўлмас,  
«Патруль» бўлган ҳар жойда!

## Р

Разведкачи росмана,  
Разм солар ҳар томон.  
Разилона режани  
Расво қилар бегумон!

## С

Сафлар кучли қачонки,  
Сергаклик бўлса мудом.  
Садоқат ялов бўлиб,  
Собит эрса интизом.

## Т

Терроризм — таҳдиддир,  
Тараққиёт, тинчликка!  
Тревога — турткидир,  
Тезкор тайёргарликка!

## У

Узун-қисқа кун-тунлар,  
Узоқ-яқин йўлларда,  
Умид, ишончи элнинг  
Удли-шудли қўлларда!

## Ф

Файз, барака кетмагай,  
Фароғатда яшар жон,  
Фавқулодда ҳолатда,  
Фаол бўлса ҳар инсон!

## Х

Хонавайрон бўлар халқ  
Халоскори бўлмаса!  
Хавфу хатар, офатдан  
Холи, нари бўлмаса!



## Ц

Цемент каби мустаҳкам,  
Циферблатдай изчил.  
— «Центр», узр, Марказдан,  
Циркуляр бор, қабул қил!

## Ч

Чайир, чаққон чин аскар,  
Чайналишни кўрмас хуш.  
Чақмоқ чақнар изидан,  
Чала-чулна қилмас иш!

## Ш

Шартномавий хизматнинг,  
Шароити, шарти шу:  
Шартни бузмас эр киши,  
Шер юраги этмас «шув»!

## Э

Эсанкираш, доводиращ,  
Эр йигитга хос эмас.  
Эпли-шудли эркақлар,  
Эл юкени юк демас!

## Ю

Юртим деган шер йигит  
Юракларда яшагай!  
Юзи бўлмас ҳеч шувут,  
Юксакка кўз ташлагай!

## Я

Яхши номи қолажак,  
Яшаса ким элим деб.  
Якдил, ботир лашкардек  
Яловим — жон-дилим деб!

## Ў

Ўзига бек ўзбекмиз,  
Ўзбекнинг юз-кўзимиз!  
Ўт-оловдан асраймиз  
Ўз уйимиз ўзимиз!

## Қ

Қалъа бўлар мустаҳкам,  
Қўрғон яшар тинч, омон,  
Қуролимас, қалбини  
Қалқон қилса қиз, ўғлон!

## Ғ


Ғофил бўлмас чин аскар,  
Ғолибона жанг қилар.  
Ғайрат жўшиб қонида,  
Ғаним ҳолин танг қилар!

## Ҳ

Ҳарбий ислоҳ — зарурат,  
Ҳаётимиз матлаби,  
Ҳарбий, касбий куч-қудрат,  
Ҳимоянинг талаби.

\* \* \*

Алифбони ўқиган,  
Уққанларга бир тилак:  
Бирлашсин ҳарф, сатрлар,  
Якдил бўлсин тил, юрак!



---

## ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Аввалги сўз

Ҳаёт сабоқларини  
Ўрганайлик, тўймайлик!  
Ҳар бир ҳарф мағзини  
Чақмагунча қўймайлик!

А

Аввало боқ оламга,  
Аслинг-наслинг Одамга!  
Ақлингни йиғ эрта-кеч,  
Адолатсиз бўлма ҳеч!

Б

— Бўримисан, ё Тулки?  
Билки, тулки шум, қувки,..  
Бўри-беор, бадкирдор,  
Бундайлардан қилгин ор!

В

Варрак кўкда вағиллар,  
Ваъдабоздай дариллар.  
Вайсама, вақиллама,  
— Вой-дод! — деб қағиллама!

Г

Гилос ранги қизилдир,  
Гоҳ оловдай у ёниқ.  
Гармдори қўшмасдан  
Гапир қисқа ва аниқ!

## Д

Дўппи – бошда бўркимиз,  
Доим миллий кўркимиз!  
Дўппи бўлсин бошингда,  
Дўстинг бўлсин қошингда!

## Е

Еганингдир олдингда,  
Емаганинг кейинда.  
Етти марта еса ҳам,  
Ебтўймасга қийин-да!

## Ё

Ёшинг яшаб, ошагин,  
Ёшдек қадам ташлагин.  
Ёш тўкмагин кўзингдан,  
Ёғду тарат юзингдан!

## Ж

Жасоратдан сўзлаган  
Жасур бўлиб қолмайди.  
Жўжахўроз-жанжалкаш  
Жириллашдан толмайди.

## З

Занжир шундай қаттиқки,  
Занги уни емирар.  
Зеҳни шишадаги  
Заҳри қотил кемирар.

## И

Игнанинг тешигидан  
Ип ҳам ўтар, туя ҳам.  
– Ифбатлиман! Оқман! – дер,  
Исқирт, қора куя ҳам!

## Й

Йўллар пасту баланддир,  
Йўрғалама ҳарёна.  
Йиқилганни суягин,  
Йигит бўлсанг мардона!

## К

Кунгабоқар баркашдай  
Кунга кулиб боқади.  
Куч-қувватга тўлиб у,  
Кўринганга ёқади.

## Л

Лайлак келса ёз бўлар,  
Лайли наҳор, соз бўлар.  
Лаган тўлар емишга,  
Луччакию кишмишга!

## М

Мушук ётар офтобда,  
Маза қилиб яланиб.  
— Менга дўст бўл Сичқон! — деб,  
Миёвлайди ялиниб.

## Н

Нонни увол қилса ким,  
— Нонкўр! — дерлар отини.  
Нонтепкилар асрамас,  
На эли, на зотини!

## О

Ота-онанг улуғлаб,  
Ол улардан дуони!  
Олим бўлсанг ҳақиқий,  
Офтобдай соч зиёни!

## П

Паст паст билан панада,  
Пастқам жойда топишар.  
Пасткаш кимса порага  
Пашшадай ғув ёпишар!

## Р

Рубоб, дотор ва танбур,  
Роҳатижон бир тандир.  
Ришталари янграйди,  
Ром бўлиб дил яйрайди!

## С

Сенга фойда бу нақл:  
«Соғ баданда — соғ ақл».  
Спорт билан бўл ошна,  
Соғ-саломат ўс, яшна!

## Т

Тўғри сўз ва танти бўл,  
«Тенг-тенги билан» дерлар,  
Тантилар бир майизни  
Теппа-тенг бўлиб ерлар.

## У

Ун эласанг элакда,  
Уннинг қолар кепаги.  
Умид билан яшагин,  
Умрингнинг бўл безаги!

## Ф

Фил ясайди пашшадан  
Фирибгарлар, айёрлар.  
Фалокатга йўлиқмас,  
Фақат сергак, ҳушёрлар!

## Х

Ҳалолликда гап кўпдир,  
Ҳаромдан қил ҳазар, ор!  
Холис бўлсин ниятинг,  
Хасис бўлмагин зинҳор!

## Ц

Цирк ўртаси айлана,  
Циркулдай гир айланма!  
Цицерондай нотик бўл,  
Цемент каби қаттиқ бўл!

## Ч

Чирқилласа чумчуқлар:  
— Чиқинг-чиқинг! — дегани.  
Чақимчининг кўзини  
Чўқинг-чўқинг! — дегани!

## Ш

Шотут-шода марварид,  
Шохларидан териб е.  
Шиннисини ялагач,  
Шукр, минг бор шукр де!

## Э

Элинг билан бўл мудом,  
Эга бўлгин билимга!  
Экканингни ўрасан,  
Эрк бермагин тилингга!

## Ю

Юрсанг доим пок, тўғри  
Юқорига ўрлайсан.  
Юрсанг эгри ва бугри,  
Юм-юм йиғлаб юргайсан!

## Я

Яйлов — гилам ям-яшил,  
Яйраб юргинг келади!  
Яқин ёру дуст билан  
Ялло қилгинг келади!

## Ў

Ўрдагу гоз сузишар  
Ўйнаб-ўйнаб сув, кўлда.  
Ўйлаб бир иш қилса ким,  
Ўстирар гул қир, чўлда!

## Қ

Қуёндай тез чопсанг ҳам,  
«Қуён» бўлма, ўртоқжон!  
Қайноқ бўлсин юрагинг,  
Кўрқоқ бўлма ҳеч қачон!

## Ғ

Ғамга ботар сурнайчи,  
Ғат-ғут қилса карнайчи.  
Ғирт ғиррому ғийбатга  
Ғинг демайди кар найчи!

## Ҳ

Ҳандалак бўйликкинам,  
Ҳилолдай кўҳликкинам!  
Ҳай-ҳай тўнинг бир кўркам,  
Ҳидинг хушбўй эҳ, бирам!

## Сўнги сўз

«А»дан тортиб «Я»гача  
Ҳарф, сўзлар бор бўлсин!  
Бузилмасин қатори,  
Эзгуликка ёр бўлсин!



---

## ТҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Оламга муҳаббат — эътиқод рамзи,  
Одамга мурувват — эътиқод рамзи,  
Бўлмаса ҳамоҳанг тил билан дили  
Кетади Инсоннинг эътибор, лафзи.

\* \* \*

Виждонли, иймонли бўлган ҳар инсон,  
Соф туйғу сутида йўғрилган жондир.  
У нондек азиздир, кўрмас хор-зорлик,  
Камолат биноси, пўлат кўрғондир.

\* \* \*

Оқиллик, одиллик эзгу фазилат,  
У хулқу атвор-ла тирик, улуғдир.  
Кўнса гар орага зарра доғ, иллат,  
Бу қоғоз гул янглиғ ҳидсиз, қуруқдир.

\* \* \*

Иzzат-нафс қадрини билса ҳар киши,  
Тинч, сокин ўтади ҳаёт, турмуши.  
Бўлса у фирибгар, олчоқ, мақтанчоқ,  
Қазир гўр ўзига қинғир қилмиши.

\* \* \*

Ҳаётда учраймиз ҳаромтовоққа,  
Борамиз у билан қир, дала, боққа.  
Маст, гаранг, ногирон, нотавон каби  
Судралиб, суяниб ҳасса, таёққа.

\* \* \*

Ярашар одамга зийнат, зеб, ҳашам,  
Бўлса у дидга мос, одми, мужассам.

Беўхшов кийиниб рўдапо янглиғ  
Беришар баъзилар ҳашамга қасам.

\* \* \*

Ақл ва идрокнинг отаси шарм,  
Одоб ва ахлоқнинг онаси ҳаё.  
Бўлса бу тўрт сифат инсондан нари  
У етим кимсадир, чекар оҳ, нидо.

\* \* \*

Ақл ва идрокнинг бордир жилови,  
Дид билан фаросат унинг ўлчови.  
Кимдаки оз экан бу ноёб хислат,  
У ўтмас аррадир, умр эгови.

\* \* \*

Майпараст билибми, билмай оҳиста  
Илинар балиқдай қармоққа, тўрга.  
Сўнг миниб тойчоққа чавандоз мисол,  
Йўл олар қаро ер қаърига, гўрга.

\* \* \*

Ёшлик бир шўх, сайроқи қушдир,  
Уйқудаги ранг-баранг тушдир.  
Ҳар лаҳзаси тенгсиз қудратдир, кучдир,  
Қадрига етмасанг умринг бўш, пучдир.

\* \* \*

Асли аччиқ мева аччиқдир, ҳатто  
Унинг шохи, барги, илдизигача.  
Ширин бўлмас асал сув билан  
Минг бора суғорсанг бўғизигача.

\* \* \*

Ҳар битта дарахтнинг меваси турфа:  
У аччиқ, гоҳ нордон, гоҳ асал-қанддир.  
Айни худди шундай инсон зотин ҳам  
Энг ширин меваси – бола, фарзанддир.

## ДИЛ ИЗҲОРЛАРИ



### ЭЗГУЛИКНИНГ ИЗИ ГУЛ

Дорбоз баландликдан нега қуламайди? Кўлида лангари бор. Лангар унга нима учун даркор? Мувозанатни сақлаш учун. Ҳа, лангарни маҳкам ушлаган дорбоз қил устида – дор устида бемалол ўйнаб, томоша кўрсата олади.

Пок ниятли Инсоннинг ҳаётда қоқилиб-туртилиб, сафдан чиқиб кетмаслиги учун аввало инсоф, диёнат ва виждон керак. «Менинг ҳаётимдаги лангарим – виждоним» деган ҳар бир киши ҳеч қачон қуламайди, ўз умрини хотиржам яшайди, яхшиларнинг дилидан ўчмайди, меҳр-муҳаббат ёғдусини тарата беради, кўпчиликка яшаш ва курашда ўрناق бўлиб қолаверади.

Шоир ва шифокор Искандар Раҳмоннинг босиб ўтган умр йўли ва ижоди билан танишар эканман, ана шундай ширин туйғулар бутун вужудимни қамраб олди. Эл озодлиги, бахт-саодатини ўйлаган, бу йўлда кўз нуруни, қалб қўруни бағишлаган, зарур бўлса, ширин жонини ҳам беришга камарбаста кишини севмасдан, ардоқламасдан бўладими?!

Ҳа, Искандар Раҳмоннинг ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўз ўрни, ўз овози бор. Бунга қаноат ҳосил қилиш учун биродаримизнинг таржимаи ҳолига қисқача назар ташлайлик.

Искандар ака 1937 йил 20 октябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. У 1955 йилда Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги Облиқ қишлоғида ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида таҳсил кўрди,

1961—1987 йилларда Куролли Кучлар сафларида ҳарбий шифокор бўлиб хизмат қилди. Ўзи севган ва ихлос қўйган шифокорлик касбини шараф билан оқлади, эл-юртнинг дуосини олди, мартабасига мартаба қўшилди.

Куролли Кучлар фахрийси, истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги, соғлиқни сақлаш аълочиси Искандар Раҳмон, айти пайтда, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқароларни муҳофаза қилиш институтида мураббийлик ҳам қилмоқда.

Оллоҳ Искандар Раҳмонга иккинчи истеъдодни ҳам — қалам тебратиш, бадиий ижод қилиш бахтини ҳам бердики, у бу саодатдан баҳраманд бўлиб, сизу бизга наф келтириб, қалб сатрлари билан кенг жамоатчиликнинг меҳрини қозонмоқда. Ҳар бир ижодкор учун бундан ортиқ бахт, бундан ортиқ мукофот йўқ!

Ёш замондошларни Ватанни севиш, унинг ҳар қарич тупроғини кўз қорачиғидай ардоқлаш, она табиатни, ўзи туғилиб ўсган муқаддас заминни қўриқлаш, ёт кўзлардан асраш руҳида тарбиялаш — виждоний бурчимиздир. Ўзбек адабиётида ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида ижод қилиб, умрини шу соҳага бағишлаган сўз усталари сафида истеъдодли шоир, иқтидорли носир, маҳоратли публицист Искандар Раҳмон ҳам борлиги билан фахрланаман. Муаллифнинг «Меҳрибонлар», «Дардинг билан яшайман, дунё!», «Ўзбекистонлик шифокорлар уруш йилларида», «Оловли гулдаста», «Оқ либосли халоскорлар», «Ҳарбий шифокор хазинаси» каби хужжатли қиссалари, очерклари, лавҳалари жамланган китоблари адабий жамоатчиликка яхши таниш. «Йўллардаги гуллар», «Ўзбекистон аскарларимиз», «Мард меҳри — Ватан меҳри», «Жоним фидо Ватанга», «Мардлар қўриқлайди Ватанни» тўпламлари шеърят мухлислари томонидан илиқ кутиб олинган.

Искандар Раҳмон — қўшиқнавис шоир. Унинг қаламига мансуб 50 га яқин шеърларга куйлар басталаниб, машҳур ҳофизлар, ёш хонандалар, бадийий жамоалар томонидан севиб куйланяпти. Айниқса, «Ассалом, Тошкентим!», «Ватан қизи», «Ойқиз», «Маҳаллам», «Мукаррамахоним ўйнаса», «Туркистоннинг фарзандимиз!», «Ҳар баҳор, ҳар кузда», «Учувчилар қўшиғи», «Ўзбекистон аскарларимиз», «Аскар-аскар ўйнаймиз» каби қўшиқлари халқимиз маънавий мулкига айланди. Қўшиқ байрамларида, ижодий жамоаларнинг кўрик-танловларида бир неча бор совринли ўринларнинг ғолиби бўлди.

Меҳри дарё, қалби уйғоқ қаламкаш дўстимиз Искандар Раҳмон қутлуғ ёшга кирмоқда. Уни Муборак ёши билан чин дилдан қутлаймиз, илҳомбахш умр тилаймиз. Шоир Искандар Раҳмон шундай дейди, биз унинг қалб амрига ишонамиз:

Менда йўқ ҳаловат на кеча, кундуз,  
Эрта-кеч сафдаман, йўл, сафардаман.  
Унутиб ёшлигу орзу-ҳавасни  
Эл не деб буюрса, камарбастаман!

*Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон халқ шоири*

## **ВАТАН МЕҲРИ — ДИЛ КУЙЛАРИ**

Яқинда ҳарбий шифокор, қалам соҳиби Искандар Раҳмон ўзининг кўп йиллардан буён машқ қилиб юрган ва тўплаб нашр эттиришга тайёрлаган шеърларини келтирди. Мен бу шеърларни кўздан кечирар эканман, бадийий адабиёт майдонига дадил қадам қўйган истеъдодли ижодкорнинг она-Ватанига садоқат билан хизмат этаётган, чегараларимизни зийрак кўриқлаётган, 1941—1945 йилларда фашизмга

қарши олиб борилган Иккинчи жаҳон урушида фидойилик кўрсатган мардонавор фарзандларимиз ҳақидаги дил сўзларини ўқидим.

Узоқ йиллар давомида ҳарбий хизматда бўлиб, ҳозир фахрли нафақага чиққан, лекин ҳали ҳам ўзини жанговар сафдаги Ватан посбонидай ҳис этиб, самарали ижод қилаётган серғайрат қалам соҳиби кўз олдимга келди. Искандарнинг ҳаёти она-Ватанимизда, шунингдек, хорижий мамлакатларда ўтган. У қаерда бўлмасин, она-Ватан меҳри ва соғинчи билан яшаган, бу юрак меҳрини содда, ўзига хос дилкаш шеърӣ мисраларда ифода этган. Унинг бир қанча шеърлари қўшиққа айланиб, таниқли ҳофизларимиз, ҳаваскор хонандалар ва ҳарбий санъаткорлар дастуридан жой олиб, ижро этилмоқда.

Шеърӣят ҳар дилда пайдо бўлади, киши қайси касбда ишлаб, ҳаёт кечирмасин, у нафосат мафтунӣ, дилрабо куй, қўшиқлар шайдоси бўлади. Буюк ватандошимиз, тиббиёт оламининг даҳоси Абу Али ибн Сино ҳам бўш вақтларида мумтоз ғазаллар ва рубоӣлар битганлиги маълум. Замондош табиб ижодкорларимиздан Ҳаким Зоҳидӣ, Ҳабибулло Қодирий, Зикрилла Эгамбердиев ва бошқалар турли жанрларда баракали ижод қилишган эди.

Искандар Раҳмон Ватан посбонларига бир неча шеърларини бағишлаган. Унинг бундай шеърларида Ватанимиз сарҳадларида посбонликда турган йигитларимизнинг меҳру оқибатлари, ичган қасамларига содиқ қолиб, ўзларининг фарзандлик бурчларини чин юракдан бажариб келаётганликлари ифода этилади:

«Ҳар нуқтаси Ватаннинг  
Бизга азиз, дурдона!  
Уни сақлаб, севгин, деб  
Ўгит берар юрт — Она!».

Жаҳон аҳли тан олган ва дадил қадамлар билан оламга танилаётган, қадри ва қадди баланд мустақил

Ватанимизда ижодий имкониятларга кенг йўллар очилган. Вилоятлар, шаҳар ва туманларда ижодкорларнинг бадиий, тарихий, маърифий ва хотира китоблари чоп этилмоқда, бу китобларни нашр эттириш учун саховатпеша ҳомийлар моддий ва маънавий жиҳатдан мададкор бўлмоқдалар, бу жуда хайрли ва ибратли, албатта.

Ватанимизда гул кўп, чаман кўп. Чаманнинг сероб бўлгани қувонарлидир. Лекин бу чаманнинг дилкаш, мафтункор бўлишини гўзал ҳаётимиз тақозо этади. Ҳарбий шифокор ва ижодкор Искандар Раҳмон ҳам ўзининг шеърӣ тўпламини муҳтарам китобхонларга тақдим этар экан, шеърларида жўшқин нафосат шабадаси уфуриб туриши учун ҳар бир мисрани чин илҳом билан дилдан ўтказиб, уни қаламга олишни ўзининг муқаддас бурчи деб билиши жоиз, буни ижодий йўлда эзгулик деб аталур.

*Назармат,*

*Уруш ва меҳнат фахрийси,*

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган*

*маданият ходими*

\* \* \*

Ҳарбий ватанпарварлик ғоялари сиёсий-ижтимоий ҳаётимиздагина эмас, маданий-маърифий, ахлоқий-руҳий камолотимизда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳар томонлама етук инсонни вояга етказиш иши бевосита Ватан тушунчасини англаш, севиш, ардоқлаш ва энг муҳими, уни ҳимоя қилишга даъват этадиган воситалардан унумли фойдаланишга боғлиқ. Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги қўшиқлар, куйлар ана шу воситаларнинг энг қудратлиси, энг таъсирчан ва яшовчанидир. Бундай қўшиқлар яратиш учун эса, энг аввало, яхши шеър, гўзал ва жозибадор, Ватан каби азиз ва пурвиқор матн керак.

Шоир Искандар Раҳмон ана шундай қўшиқлар яратаётган сермаҳсул ижодкорлардан. Унинг шеърлари чинакамига Ватан фидойилари туйғуларини ўзида мужассам этади. Кишини яхшиликка, фидойиликка даъват қилади. Оҳангдорлиги ва мусиқийлиги, самимий ва халқоналиги билан тез куйга солинади. Бошқача қилиб айтганда, И.Раҳмон шеърлари табиий ҳолда ўз мусиқаси билан туғилади.

*Нарзулла Жўраев,  
Сийәсатшунослик фанлари доктори,  
профессор.*

\* \* \*

Шоир, адиб ва публицист Искандар Раҳмоннинг «Жоним фидо Ватанга» номли шеърлар, қўшиқлар ва маршлардан иборат тўплами қўлғизмасини ўқиб чиқдим. Бу ижодкорнинг асарлари билан илгаридан танишиб келардим. Унинг мазкур тўплами муаллифнинг ижодий қиёфасини анча тўлиқ ифодалайди.

Миллий истиқлолимиз шарофати билан халқимизнинг қулфи—дили очилиб кетди. Кўпқир-рали истеъдод соҳибларининг салоҳиятлари бор бўйи ила намоён бўлиб, янги-янги самаралар келтирмоқда. Искандар Раҳмоннинг бу тўплами ана шундай ижод булоғининг янги юз кўрсатиши десак арзийди. Тўпламнинг бош ғояси ватансеварлик, ватанпарварлик, ватанга садоқат ва ватанга фидойилик туйғуларини мардона куйлашдир.

Яхши қўшиқнинг куйи унинг мағзида бўлади, дейдилар. Искандар Раҳмоннинг асарлари ҳам шундай фазилатга эгадир. Бундай қўшиқлар тингловчи қалбига осон йўл топади ва завқ-шавқ бағишлайди.

Тўпламдан маршларнинг ўрин олгани айниқса диққатга сазовордир. Чунки маршлар аскар ва



зобитларимизнинггина эмас, умуман, барча ёшдаги ва касбдаги кишиларнинг руҳини кўтарди, халқнинг ҳарбий шукуҳини оширишга хизмат этади. Ҳозирги нотинч замонда халқнинг ҳарбий шукуҳини юксалтириш катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир.

*Абдуқаҳҳор Иброҳимов,  
Ўзбекистон санъат арбоби*

## АСКАР ҚЎШИҚЛАРИ

*Ёшларни она-Ватанга садоқат, халқига сидқидилдан хизмат қилиш руҳида тарбиялашда ҳамда маънавий-ахлоқий, эстетик тарбиясини юксалтиришда қўшиқ санъати алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Республикада хизмат кўрсатган Марказий ашула ва рақс ансамбли аъзолари ўз маҳоратини ана шу соҳа равақига бағишламоқда.*

Диёримиз шаҳар ва вилоятларига сафарга чиқиб, нафақат ҳарбий қисмларда, шу билан бирга меҳнат жамоаларида ҳам маънавий-маърифий учрашув ва концертларда қатнашмоқдамиз. Ижодий учрашувдан сўнг мухлислар билан савол-жавоблар бўлиб ўтади. Барчанинг қизиқадиган саволи бор. Бири, Ватан ҳимоячиларига бағишланган янги қўшиғимизнинг яратилиш тарихини билишни хоҳлайди, иккинчиси, унинг ижрочиси, қўшиқ муаллифи ва бастакори ҳақида маълумот олишни истайди, учинчиси, ансамбль таркиби, унинг режасини сўрайди. Табиийки, саволларга ҳарбийчасига аниқ, қисқа ва мазмунли жавоб қайтаришга одатланганмиз.

Қўшиқчи шоирлар ҳақида сўз борганида, албатта, Искандар Раҳмоннинг ҳаёт йўли ва ижодига тўхталамиз. У ҳарбий шифокор сифатида 27 йил давомида хизмат қилган. Айни вақтда, Ўзбекистон

Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтида ишламоқда. Ҳарбий ватанпарварлик мавзуида 20 номда китоблари чоп этилган. «Ўзбекистон – Ватаним маним», «Аскар қўшиқлари» кўрик-танловларида қатнашиб совринлар олган.

Дарҳақиқат, Искандар аканинг қўшиқлари тингловчи қалбига осон йўл топади ва завқ-шавқ бағишлайди.

«Ўзбекистон аскарларимиз» қўшиғида:

Ватан – иймон, Ватан – жонимиз,  
Сарҳадлари мард посбонимиз!  
Эл яшасин тинч ва осуда,  
Мусаффордир юрт, осмонимиз!

«Қасамёд» қўшиғида:

Эй, Она-халқимиз, дунё, коинот,  
Эшитинг, элатлар, бани одамзот:  
Она-юрт Туронда тинчлик сақлашга  
Биз қасам ичамиз, қасам, қасамёд!


деб куйланади.

Нозиктаъб ижодкорнинг 50 дан зиёд, шу жумладан, «Она-Ватан – муқаддас маскан!», «Шукрона», «Ўхшайди», «Ҳар баҳор, ҳар кузда», «Учувчилар қўшиғи», «Айтишув» сингари қўшиқлари севиб ижро қилинмоқда. «Ҳарбийлар қўшиғи» эса Ўзбекистон телевидениеси «Ватанпарвар» кўрсатувининг мусиқали чақириғи бўлиб қолди.

Яқинда Искандар Раҳмон Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Авазбек Маллабоев ва Юлдуз Абдуллаева билан ҳамкорликда «Чегарачилар қўшиғи»ни яратиб, халқимизга армуғон этдилар.

Яна бир янгилик: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан ижодкорнинг «Ҳарбийча алифбо» китоби чоп эттирилди. Қўш қувонч муборак!

*Шухрат Дадажонов,  
майор, Ўзбекистон Республикаси  
Қуролли Кучларининг Республикада  
хизмат кўрсатган Марказий ашула  
ва рақс ансамбли бадий раҳбари,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист*



---

## МУНДАРИЖА

*Анвар Обиджон. Баётлар — учқур қўш қанотлар* ..... 3

### I. Ҳарбийлар қушиғи

|                                      |    |
|--------------------------------------|----|
| Ўзбекистон Миллий байроғи .....      | 6  |
| Ўзбекистон Қомуси .....              | 7  |
| Ўзбекистон кемаси .....              | 9  |
| Ўзбекистон қуёши .....               | 10 |
| Ассалом армиям, улуғ остонам! .....  | 11 |
| Ўзбекистон посбонлари .....          | 12 |
| Мард ўғлонлар туғилган кун бу! ..... | 13 |
| Минг офарин, тасанно! .....          | 14 |
| Егти баҳодир марши .....             | 16 |
| Ўзбекистон аскарларимиз! .....       | 17 |
| Ҳарбийлар қушиғи .....               | 18 |
| Туркистон фарзандимиз! .....         | 19 |
| Учувчилар қушиғи .....               | 21 |
| Ўзбекистон офицерлари .....          | 22 |
| Байрамингиз бўлсин муборак! .....    | 23 |

### II. Ватан — меҳр қўрғони

|                                  |    |
|----------------------------------|----|
| Ватан ичра Ватан маҳаллам! ..... | 24 |
| Муқаддас туйғу .....             | 25 |
| Она-юрт таронаси .....           | 26 |
| Ўзбекистон — барчамизники .....  | 27 |
| Ўзбекистон тиллоси .....         | 29 |
| Изҳор .....                      | 31 |
| Ватан — меҳр қўрғони .....       | 32 |

|                                      |    |
|--------------------------------------|----|
| Она қишлоғим! .....                  | 33 |
| Ассалом, Тошкентим .....             | 35 |
| Она шаҳрим .....                     | 37 |
| Ўхшайди .....                        | 39 |
| Эй, қуёш ўлкаси .....                | 40 |
| Шукрона .....                        | 41 |
| Жалолиддин Мангуберди монолоғи ..... | 42 |

### III. Хотира муқаддасдир!

|                                |    |
|--------------------------------|----|
| Оққуш .....                    | 44 |
| Яхшилар ёди .....              | 46 |
| Шаҳидларни дуо қиламиз! .....  | 47 |
| Сиз билан азиздир .....        | 48 |
| Хотира муқаддасдир! .....      | 49 |
| Уруш бевалари .....            | 51 |
| Ўзбекистон ёрқин юлдузи .....  | 53 |
| Ҳамшира .....                  | 55 |
| Мукаррамахоним ўйнаса .....    | 56 |
| Узолмасман кўнгилни .....      | 58 |
| Жасорат .....                  | 59 |
| Кўзиқорин .....                | 63 |
| Ўлгум йўқдир отам ёшида! ..... | 72 |

### IV. Ватанимиз — онамиз

|   |    |
|---|----|
| Мен аскар онаси .....                   | 75 |
| Алла .....                              | 76 |
| Ватанимиз — онамиз .....                | 77 |
| Она-Ватан — муқаддас маскан! .....      | 78 |
| Асл йигитлар, аҳил йигитлар! .....      | 79 |
| Ҳарбийга бормаган йигит, йигитми? ..... | 80 |
| Дўстлар, эрта учгумдир .....            | 82 |
| Айтишув .....                           | 84 |
| Кузатиш .....                           | 86 |
| Хайр, соғ кўришгунча! .....             | 88 |

|                                 |     |
|---------------------------------|-----|
| Воҳай бола! .....               | 89  |
| Эй, ўғил .....                  | 91  |
| Сержантлар марши .....          | 92  |
| Она-юртим, ўғлинг эканман ..... | 93  |
| Оқ йўл бўлсин .....             | 94  |
| Офицер хотини .....             | 96  |
| Танклар ўтса кўчадан .....      | 98  |
| Армиямиз бор бўлсин! .....      | 100 |
| Либосимга ошди ихлосим .....    | 101 |
| Қасамёд .....                   | 103 |

## V. Муҳаббат

|                             |     |
|-----------------------------|-----|
| Сени ўйлайман .....         | 104 |
| Ватан қизи .....            | 105 |
| Яхши қиз .....              | 106 |
| Муҳаббат .....              | 107 |
| Ойқиз .....                 | 108 |
| Ёр, келасанми? .....        | 109 |
| Ёр-ёр .....                 | 110 |
| Мардона рақс тушайлик ..... | 112 |
| Аскарнома .....             | 114 |

## VI. Ҳамкорлик кўшинимиз!

|                                |     |
|--------------------------------|-----|
| Жанговар шайлик .....          | 115 |
| Эй, кўшин .....                | 116 |
| Ҳамкорлик кўшинимиз! .....     | 117 |
| Биз бирлашган кўшинимиз! ..... | 118 |
| Пиёда аскарлар марши .....     | 119 |
| Танкчилар кўшиғи .....         | 120 |
| Тўпчилар марши .....           | 121 |
| Сапёрлар .....                 | 122 |
| Касбимиз алоқачи .....         | 123 |
| Эй, она-юрт, осмоним! .....    | 124 |
| Осмондаги оқ елкан .....       | 125 |

|  |     |
|--|-----|
| Элим ой, юлдузиман! .....                | 126 |
| Чавандозман, шоввозман! .....            | 127 |
| Салламно, салламно Сизга отлиқлар! ..... | 128 |
| Чегарачилар марши .....                  | 129 |
| Божхоначилар қўшиғи .....                | 130 |
| Нажоткорлар марши .....                  | 132 |
| Садоқат марши .....                      | 133 |
| Ўз постимда хушёрман! .....              | 134 |
| Ватанимга хизмат қиламан! .....          | 135 |
| Биз йўлбаремиз, қўрқмасмиз! .....        | 136 |
| Огоҳ бўлинг, одамлар! .....              | 137 |
| Ҳар оқшом сафларда .....                 | 138 |
| Постимда сергакман .....                 | 139 |
| Эй, посбонлар, бўлинг саломат! .....     | 140 |

## **VII. Ҳарбийча алифбо**

|                       |     |
|-----------------------|-----|
| Ҳарбийча алифбо ..... | 141 |
| Ҳаёт сабоқлари .....  | 147 |
| Тўртликлар .....      | 153 |
| Дил изҳорлари .....   | 155 |

---

Адабий-бадиий нашр

**Искандар Раҳмон**

**БАЁТЛАРИМ —  
ҚАНОТЛАРИМ**

*Шеърлар, кўшиқлар, маршлар*

Муҳаррир *Бахтиёр Каримов*

Мусаввир *Наталья Лаптева*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Маннопова*

Босишга 09.10.2007 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>.  
Таймс гарнитураси. Офсет босма, 8,82 шартли босма тобоқ.  
10,5 нашр тобоғи. Жами 2000 нусха. 06/Н/07 рақамли  
шартнома. Буюртма N 141. Баҳоси шартнома асосида.

«Сано-Стандарт» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзили: Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.